



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil
30-yanvar
payshanba

№ 5 (4443/4361)

Postda На посту

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



ЧУҚУР БИЛИМ, КЕНГ ДУНЁҚАРАШГА ЭГА ЁШЛАР

мамлакат тараққиёти, юрт
истикболини белгилаб берувчи кучдир

Ҳар қандай мамлакатнинг қудратини белгилаб берадиган омиллар бор. Лекин уларнинг ҳеч бири юксак салоҳият ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган ёшларга тенг кела олмайди. Бинобарин, ҳар томонлама баркамол ёшлари бўлган юрт дунёда ҳар жиҳатдан қудратлидир.



Манзура Эгамова:

Айрим ҳокимлар ўз сўзини ўтказиш учун фермерларни беадаб сўзлар билан уришаётганини эшитиб, хайрон қоламан

Ўша куни Жалақудук туманига республикаимиз раҳбари Шароф Рашидов келди. Мени кўриб, ёнига чақирди.
– Нега йиғлаясан, қизим? – деб сўради.
Мен чидаб тура олмадим ва унга кўзимда ёш билан режаларимиз ҳақида сўзлаб бердим.
– Йиғлама, қизим, – деди у оталарча меҳр билан. – Қор бир-икки кунда эриб кетади, ўша 40 центнер пахтани, албатта, териб оласан.



9



● Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда тиббиёт тизимини илгор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

● Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ташкил этиш масаласи буйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ушбу анжуманни юқори савияда ташкил этиш учун аниқ ташкилий вазифалар белгилаб берилди.

● Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ички ишлар вазирлиги, Божхона институти, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат юридик университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

● Cotton Campaign халқаро коалицияси Ўзбекистондаги пахта-тўқимачилик кластери фаолияти билан танишди.

Халқаро коалициянинг делегация аъзолари жорий йилнинг 26 январь–5 февраль кунлари Ўзбекистонда расмий ташир билан бўлади.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

ПОКИЗА
ҚАЛБ
СОҲИБИ
ЭДИ...



6



10

КОГДА
УЛИЦА ПОЛНА
НЕОЖИДАННОСТЕЙ...



«БЕГОНА
БАҲОР»
МЕНГА
БЕГОНА
ЭМАС

13



КОРОНАВИРУС
ҚАНДАЙ ХАСТАЛИК?



17

ЧУҚУР БИЛИМ, КЕНГ ДУНЁҚАРАШГА ЭГА ЁШЛАР

мамлакат тараққиёти, юрт истиқболлини белгилаб берувчи кучдир

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бугун барча соҳаларда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, садоқатли, ҳалол ва жонкуяр ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Билимли ва соғлом фикрлайдиган ёшлар масъулиятли вазифаларга тайинланяпти. Яқинда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 9 нафар йигит-қиз сайлангани, маҳаллий кенгашлар депутатларининг қарийб 10 фоизини ёшлар ташкил этгани, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида жонбозлик кўрсатиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган 84 нафар ёшларнинг «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медаллари билан тақдирлангани ҳам уларга катта ишонч билдириладиганидан далолатдир.

Айни пайтда мамлакатда жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга масъул бўлган ички ишлар органлари тизимида ҳам кўплаб ёшлар хизмат қилиб келмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш вазирлик раҳбариятининг диққат марказида. Салоҳиятли ёш ходимлар уй-жойлар билан таъминланяпти, раҳбарлик лавозимларига тайинланмоқда. Қисқаси, уларга юксак ишонч билдирилмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Пўлат Бобононов тизимда хизмат қилаётган, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ишларига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ана шундай фидойи, билимли ёшлар билан учрашди. «Вазир ва ёш ходимлар» номини олган тadbирда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси Алишер Саъдуллаев, вазир маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов, вазирлик марказий аппарати, департамент, бош бошқарма, бошқарма, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ

ҳамда вилоятлар ИИБ раҳбарлари, туман-шаҳар ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ёшлар масалалари ҳамда тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ёш ходимлар иштирок этди.

Тadbирда генерал-лейтенант П. Бобононов сўзга чиқиб, бугунги кунда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганини, Юртбошимизнинг 2019 йилнинг 27 декабрь куни Мухаммад ал-Хоразмий номдаги мактабда бўлиб ўтган фаол ёшлар билан учрашувида ҳам, Олий Мажлисга қилган Мурожаатида ҳам ёшлар масалаларига алоҳида тўхталиб ўтганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

– Ёшларни қилган меҳнати, эришган ютуқларига яраша рағбатлантириш, улар орасидан билимли, ҳалол ва жонкуяр ходимларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Эътибор

ёш раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш муҳим вазифа саналади. Бунинг учун ёш ходимлар орасидан дунёқараши кенг, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган, масъулиятни ҳис этадиганларини саралаб олишимиз керак.

Тadbирда Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси А. Саъдуллаев ҳам маъруза қилиб, мамлакатимизда ёшларга катта эътибор қаратиладиганини, уларга ўзларини кўрсатиши, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиши учун кенг имкониятлар берилётганини таъкидлаб ўтди.

– Юртбошимиз ўтган йилнинг 27 декабрь куни фаол ёшлар билан учрашувида бир гапни айтдилар: «Ёшлар орасида «Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!» деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман. Етакчилиكنинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли шахсий ўрнат ва намуна бўлишидир». Президентимиз бизга ишонч билдирияпти. Юрт қорига ярашимизни сўраяпти. Лекин биз ўзимизни қийнамасак, ўз устимизда ишламасак, мамлакатда олдинга силжиш, ривожланиш бўладими? Шундай экан, тизимдаги муаммолар ечими, соҳа такомиллашуви, унинг имижини ошириш бўйича ташаббус ва таклифлар билан чиқшимиз лозим, – деди А. Саъдуллаев.

Шундан сўнг видеоселектор тарзида ўтаётган учрашувда худудлар билан тўғридан-тўғри алоқага чиқилиб, раҳбар ходимлар, ёшларнинг фикрлари, таклифлари эшитилди. Хусусан, самарқандлик ёш ходимнинг жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш асосий вазифаси бўлган ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ҳолати доимо яхши бўлиши, бунинг учун спорт комплекслари, спорт майдончаларини ташкил этиш, улардан ходимларнинг ҳафта мобайнида самарали фойдаланилишини йўлга қўйиш бўйича, қорақалпоғистонлик ходимнинг Мўйноқда саксовул кўчатларини экиш, Ёшлар ўрмонини ташкил этишга ёш ходимларни са-



фарбар қилиш ҳақидаги ва яна кўплаб таклифлар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Аксарият таклифлар қўллаб-қувватланиб, уларни амалга ошириш бўйича тегишли раҳбарларга кўрсатмалар берилди.

Тadbир давомида тизимда хизмат қилаётган, ҳар жиҳатдан фаол 35 нафар ёш ходим фахрий ёрлик, вазирликнинг эсдалик қўл соатлари билан мукофотлангани ўқиб эшиттирилди. Тизим ривожига улкан ҳисса қўшаётган, хизматни аъло даражада бажарётган 48 нафар ёш ходимнинг ота-оналарига эса ташаккурномалар эълон қилинди. Шу ернинг ўзида 25 нафар ходим раҳбарлик лавозимларига тайинланди.

– Келажак сиз, ёшларнинг қўлида. Юртимизнинг эртага қандай бўлиши, ривожланиши, тараққий этган давлатлар қаторидан жой олиши айнан сизнинг фидойилигингизга, жасоратингизга боғлиқ, – деди тadbирда сўзга чиққан Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник З. Алматов. – Шундай экан, билдирилган ишонччи оқлаш учун бор кучингиз билан ҳаракат қилинг. Қасамдингизга содиқ қолиб, Президентимиз таъкидлаганидек, фидойиликни, ҳалолликни широк қилган ҳолда, ички ишлар органларининг халқлик тизимга айланиши учун асосий локомотивига айланинг.

Тadbир якунида раҳбарлик лавозимларига тайинланган, мукофотланган ёш ходимларга муваффақиятлар тиланди. Тизимда ташаббускор, раҳбарлик лавозимларига лойиқ ёшлар кўп. Уларнинг ишонччи оқлашига, тизим ривожига ҳисса қўшишига ишонамиз.

Фозил МАМАШАРИПОВ,
«Postda» мухбири.



беринг: ўтган йили 168 та бўлим бошлиғи, 13 та бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига ёш ходимлар тайинланди. 425 нафар ташаббускор ёшлар раҳбарлик лавозимлари захирасига олинди.

Президентимиз ёшлар билан учрашувларда барча соҳаларда билимли, фаол, халқ манфаатини шахсий манфаатидан устун қўядиган ёш раҳбарларга эҳтиёж ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!» деган ғоя атрофида бирлашимиз олдимида турган энг муҳим вазифа эканлигини қайд этдилар.

Албатта, ёш ходимлар – бу, энг аввало, ички ишлар органларининг юзи, обрўси ва ижобий имижини юксалтиришдаги энг асосий кучдир. Шунинг учун ҳам тизимда истиқболли

Бундан сўнг видеоселектор тарзида ўтаётган учрашувда худудлар билан тўғридан-тўғри алоқага чиқилиб, раҳбар ходимлар, ёшларнинг фикрлари, таклифлари эшитилди. Хусусан, самарқандлик ёш ходимнинг жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш асосий вазифаси бўлган ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ҳолати доимо яхши бўлиши, бунинг учун спорт комплекслари, спорт майдончаларини ташкил этиш, улардан ходимларнинг ҳафта мобайнида самарали фойдаланилишини йўлга қўйиш бўйича, қорақалпоғистонлик ходимнинг Мўйноқда саксовул кўчатларини экиш, Ёшлар ўрмонини ташкил этишга ёш ходимларни са-

Сўз – тadbир иштирокчиларига



Майор Атабек УРАЗИМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Қдрлар бошқармаси бош инспектор-психологи:

– Ўтган йили 27 декабрда Президентимиз фаол ёшлар билан учрашганида «Ёшлар орасида «Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!» деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман», деганди. Бу бизга жуда катта мотивациядир.

Яқинда Олий Мажлисга Мурожаатномасида эса «Биз ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислохотларни амалга оширмаймиз. Бироқ, очик тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тизимга, фуқароларнинг чинаякам ҳимоясига айлангани йўқ», дея қайд этиб ўтди.

Бу, албатта, зиммаизга янада катта масъулият юклайди. Бугун вазиримиз билан учрашувда кўплаб фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, таклифлар айтилди. Энг муҳими, биз, ёшларга катта ишонч билдирилди. Жумладан, менга муддатидан олдин рағбатлантириш тариқасида «майор» унвони берилди.

Мақсадимиз, вазифамиз аник: халқимизга, Юртбошимизга камарбаста бўлиб, халқчил тизим бўлиши йўлида фидойилик билан хизмат қилишдир.

Бундан сўнг видеоселектор тарзида ўтаётган учрашувда худудлар билан тўғридан-тўғри алоқага чиқилиб, раҳбар ходимлар, ёшларнинг фикрлари, таклифлари эшитилди. Хусусан, самарқандлик ёш ходимнинг жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш асосий вазифаси бўлган ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ҳолати доимо яхши бўлиши, бунинг учун спорт комплекслари, спорт майдончаларини ташкил этиш, улардан ходимларнинг ҳафта мобайнида самарали фойдаланилишини йўлга қўйиш бўйича, қорақалпоғистонлик ходимнинг Мўйноқда саксовул кўчатларини экиш, Ёшлар ўрмонини ташкил этишга ёш ходимларни са-



Капитан Носир ИБРАГИМОВ, Қоровул қўшинлари 7532-ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари:

– Учрашувда Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси бир гапни айтди: «Юртбошимизнинг ёшларга имкон

бераётгани, раҳбарлик лавозимларига тайинланаётгани – бу бизларга берилётган қарзидир». Ҳақиқатан ҳам, қарз қайтарилиши керак. Бу қарзни биз ўз меҳнатимиз, фидойилигимиз билан тўлашимиз лозим.

Бугунги учрашувда буни янада теран англаб етдик. «Устоз-шогирд» аънанасини яхшилаш, ёш ходимлардан иборат кадрлар захирасини шакллантириш бўйича билдирилган мулоҳазалардан ўзимизга етарли хулоса олди. Билдирилган ишонччи оқлашга ваъда бераман.

ТАРБИЯВИЙ-ПРОФИЛАКТИК УЧРАШУВ

ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ, ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, ходимлар ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни таъминлаш, шахсий таркибни Ватанга ва касбига садоқат руҳида тарбиялаш, ўқитиш, малакасини ошириш, касбий ва жанговар тайёргарлигини юксалтириш борасида доимий ишлар амалга оширилмоқда.



ИИВ Маданият саройида ташкил этилган тарбиявий-профилактик учрашув ички ишлар органлари ходимларининг маънавий тарбияси, шахсий таркиб ўртасида олиб борилаётган тарбиявий-профилактик ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Тадбирни Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Р. Хатамов кириш сўзи билан очиб, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарурлигини, ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислохотлар амалга оширилаётганлигини, бироқ бу борада бир қатор камчилик-

лар борлигини, энг жирканч иллат – коррупцияга қарши курашишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси «ҳалоллик вақтинаси» билан эмланмас экан, юксак марраларга эришиш қийинлигини таъкидланганлигини айтиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда сўнгги йилларда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва янгиликлар, шу жумладан, ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар, ходимларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имтиёзлар ҳақидаги маълумотлар шахсий таркиб этиборига етказилиб, ходимлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва бошқа ноҳуш ҳолатлар кескин танқид қилинди. Йиғилишда вазириликнинг Ўз хавфсизлиги бошқармаси раҳбарияти томонидан таъкидланганидек, ўтган даврда шахсий таркиб ўртасида

хизмат интизоми ва қонунбузилиши ҳолатлари кескин камайган. Шунга қарамай, тизимда салбий иллатларга йўл қўяётган, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етарли даражада бўлмаган ходимлар ҳам мавжудлиги, раҳбарлар кўл остидаги шахсий таркиб билан ишлашни кучайтириши лозимлиги айтиб ўтилди.

Тадбир якунида вазир ўринбосари, полковник Р. Хатамов ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини англамаган айрим ходимлар томонидан салбий ҳолатлар содир этилаётганлиги ҳалол, фидойи оқолиштилик посбонларининг самарали хизматларига соя солаётганлиги, тизим обрўйига, нуфузига путур етказётганлигини таъкидлади.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
капитан.

ЁШЛАР – МАМЛАКАТ ПОЙДЕВОРИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов ва Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирни институт ректори Маъруфжон Расулов олиб борди.

Очиқ ва ошкора руҳда ўтган мулоқотда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус, мамлакатимизда ёшлар масаласига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилаётгани, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий онгини янада юксалтириш, иқтидорини ривожлантириш, ахборот хуружлари ва носоғлом муҳитдан ҳимоялаш каби масалалар бўйича сўз юритилди.

– Ҳар қандай давлатнинг тарихий тарққиёт йўли халқнинг фаровон яшаши ёшлар таълим-тарбияси ва келажаги-



га бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ, – деди Зокиржон Алматов. – Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимизнинг мустаҳкам пойдевори деганда, ҳеч муболағасиз, кўз олдимизга ёшлар келади. Ютуқларимиз билан бир қаторда, айрим ёшлар ўртасида зарарли одатларга ружу қўйиш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Учрашувда З. Алматов ёшлар ўртасида ичкиликбозлик ва тамакига ружу қўйиш, суицид, жамият учун ижтимоий хавfli жиноятлар, тарбияси оғир ёшларнинг ғоявий-сиёсий маданияти каби ўнлаб долзарб масалалар бўйича ҳам ўзининг бой ва серқирра фаолияти давомидаги кузатувлари мисолида сўзлаб берди.

Ўз мухбиримиз.

САРҲИСОБ

ҚУН ТАРТИБИДА ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ

ИИВ мажлислар залида вазирилик Тиббиёт бошқармаси ҳамда жойларда тиббий хизмат йўналишида 2019 йил давомида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Унда Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Р. Хатамов, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБ бошлиқларининг кадрлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, Ўз хавф-

сизлиги, тиббиёт бошқармалари ва бўлимлари, марказий тиббий муассасалар, «Ўзбекистон» санаторийси масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққан ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, подполковник Ш. Нишанов ўз маърузасида мамлакатимиз ички ишлар органларида ўтган йили тиб-

бий хизмат йўналишида олиб борилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ахборот бериб, бириктирилган таркибга кўрсатилаётган тиббий ёрдам, жумладан, режага кўра профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш камрови, диспансер кузатувидаги беморларни соғломлаштириш ҳамда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатларини камайтириш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда ходимлар ва ҳарбий хизматчилар орасида жисмоний тайёргарлик самарадорлигини ошириш, шахсий таркиб ҳамда уларнинг оила аъзоларини

оммавий спорт турларига жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида олиб борилган ишларга ҳамда тизимдаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш чораларига тўхталиб ўтилди. Шунингдек, вазирилик тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ташхисот ва соғломлаштириш ишларини яхшилаш; уларни зарур дори-дармон ҳамда тиббий воситалар билан таъминлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади.

Ўз мухбиримиз.

МУНОСАБАТ

ХАЛҚНИНГ ЧИНАКАМ ҲИМОЯЧИСИГА АЙЛАНМОҒИМИЗ КЕРАК

Марат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризми таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник:

– Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий соҳалардаги ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, йўл қўйилаётган камчиликлар аниқ мисолларда таҳлил қилинди. Ислохотларни ҳар бир соҳада изчил давом эттириш кечиктириб бўлмас вазифа эканлиги қайд этилди.

Мурожаатномада туризми иқтисодиётнинг муҳим стратегик тармоғига айлантириш бундан кейин ҳам устувор масала бўлиб қолиши айтилиб, қўлга киритилган ютуқларга тўхталиб ўтилди. Жумладан, 86 та давлат фуқароларига визасиз, 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар сайёҳ ташриф буюргани ва бу рақам 2016 йилга нисбатан таққосланганида 3,3 баробарга кўпайгани фахр билан тилга олинди. Қолаверса, юртимизга келадиган сайёҳлар сонини 7,5 миллионга, туризм маршрутлари сонини 800 тага етказиш олдимидаги муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

Мурожаатнома Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризми таъминлаш бошқармаси шахсий таркиби ўртасида ҳам кенг муҳокама этилиб, вилоятга ташриф буюраётган туристлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ



мақсадли вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, вилоятдаги туризм намоиши ва инфратузилмаси объектлари ҳудудларида сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда давлат органлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунга кўра, вилоятимиздаги асосий туризм намоиши объектлари қатори, Урганч, Хонқа, Хива, Янгибозор ҳамда Ҳазорасп туманларида ташкил этилган «Хоразм миллий табиат боғи» ҳудудларида ҳам сайёҳлар хавфсизлиги таъминланади. Туризм намоиши ва инфратузилмаси объектлари ямғирлашган ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга йўналтириш, турмуш шароитини янада яхшилаш жойларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш чоралари кўрилади.

Хуллас, ходимларимиз Мурожаатномада белгилаб берилган муҳим вазифаларни амалга оширишда ташаббускор бўлишга, ўз касбий маҳоратини, ғайрат-шижоатини ислохотлар жараёнида намоён этишга ҳаракат қилишади.

Ойбек МИРЗАЕВ,
Наманган вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, майор:

– Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси шу пайтга қадар амалга оширилган ислохотларнинг тадрижий давоми ва кульминацион нуқтаси бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Унда бирор жабҳа эътибордан четда қолмади, ҳар бир соҳа ютуқ ва камчиликлари, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қаторида атрофлича таҳлил қилинди.

Мурожаатномани тинглаган ҳар бир юртошимиз қалбида эртанги кунга ишонч уйғонгани, ўз ишига, вазифасига масъулият билан ёндашиш ҳисси янада кучайганига шубҳа йўқ.

Президентимиз йил номидан келиб чиқиб, илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлишини алоҳида таъкидлаб, таълим тизими, маънавият ва маърифат соҳалари, илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича вазифаларни аниқ белгилаб бердилар.

Мурожаатномада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди. Бу борада ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислохотларни амалга оширилаётганлиги, бироқ тизим ҳали халқчил тузилмага айланганмагани, шу сабабли ислохотларни изчил давом эттириш лозимлиги айтилди.



Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлар халқимизнинг тинч ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Зеро, жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч ва хотиржам яшашни ҳоҳлайди. Тинчлик бўлган жойда барака ва ривожланиш бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, унинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир.

Бу, албатта, тизим ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди. Биз – ички ишлар органлари ходимлари бундан дилдан хис этиб, фаолиятимизни танқидий назардан ўтказган ҳолда, бор куч-ғайратимизни юрт тинчлиги ва осойишталигини янада самарали таъминлашга ҳамда ички ишлар тизимини халқчил тузилмага айлантиришга интилашимиз.

Шарофиддин ИБРАГИМОВ,

ИИБ Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш Тошкент шаҳар маркази бўлим бошлиғи, подполковник:

– Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасини бутун халқимиз қатори, ИИБ Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш Тошкент шаҳар маркази ходимлари ҳам катта ҳис-ҳажон ва диққат билан кузатди. Бу нафақат Парламентга, балки бутун Ўзбекистон халқига мурожаатномадир.

2020 йилнинг «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳам, албатта, илм-маърифат даркор. Президентимиз ўз Мурожаатномасида мамлакатимиз



олдида турган энг долзарб вазифаларга, барча соҳалар фаолиятига тўхталиб ўтди. Амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ижобий натижалар ҳақида гапириб, ушбу натижалар билан тўхтаб қолмаслик, аксинча, янада янги-янги марраларга интилишимиз кераклигини таъкидлади.

Шунга кўра, биз – ички ишлар органлари ходимлари ҳам тизим ислохотларини жадал суръатлар билан давом эттириб, янги босқичга кўтаришимиз, ҳақиқий маънода одамларимиз оғирини енгил қиладиган, халқчил, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айланмоғимиз даркор.

Муродулла ТУРСУНМАТОВ,
Бахмал тумани ИИБ ҲПБ ички ишлар органи таянч пункти профилактика катта инспектори, майор:

– Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз тарраққиётини таъминловчи жабҳалар, омилларга атрофлича тўхталиниб, бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб берилди. Илм-фан, таълим, парламентаризм, sanoat, қишлоқ хўжалиги дейсизми, туризм, тадбиркорлик, инвестиция, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш дейсизми, барча соҳаларга эътибор қаратилди.

Худди шунингдек, суд-ҳуқуқ, хусусан, ички ишлар органлари фаолиятига баҳо берилиб, тизимда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар тилга олинди. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш, соҳани халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлантириш масаласи кўтарилди.

Шу ўринда айтиш жоизки,

сўнги йилларда Президентимиз ташаббуси билан республикамизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш устувор масалага айланди. Бунинг натижасида йилдан-йилга ҳуқуқбузарликлар сони камайиб бормоқда. Аниқ мисолларга келадиган бўлсак, ўтган йили вилоятимиздаги 88 та маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Жумладан, мен хизмат кўрсатаётган Бахмал туманидаги «Галлаконт» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сўнги уч йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида жиноят кузатилмади.

Президентимиз тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига оид ҳуқуқий мезонлар белгилашнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш тақлифини билдирди. Бундан ташқари, яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгар-



лик тўғрисидаги кодексларни янгидан қабул қилиш, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Демакки, барча жабҳалар қаторида ички ишлар органларига доир ҳуқуқий асослар янада мукамал мазмун касб этади. Бу янгилинишлар натижасида қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражаси ошади, ички ишлар органлари давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, одамларнинг оғирини енгил қиладиган тузилмага айланади.

ОТКЛИКИ

НОВЫЙ ВИТОК ПРОВОДИМЫХ РЕФОРМ

Заместитель начальника Следственного управления при УВД Самаркандской области подполковник Дильшод Курбанов:



– В своем обращении к парламенту Президент Республики Узбекистан Ш. Мирзиёев отметил, что пора прекращать практику предъявления предпринимателям обвинения в организации преступных сообществ.

Глава государства заявил, что необходимо продолжить политику декриминализации правонарушений в сфере предпринимательства, не представляющих большой общественной опасности. «В частности, будет отменена уголовная ответственность за такие деяния, как лжепредпринимательство, дискредитация конкурента. Также следует освободить от уголовной ответственности лиц, впервые совершивших нарушение таможенного законодательства, при условии внесения установленных платежей», – сказал он.

Президент отметил, что необходимо прекращать изжившую себя практику предъявления обвинения в создании преступных сообществ и назначения

жесткого наказания в отношении членов субъекта предпринимательства, являющегося юридическим лицом. «Если учесть, что в результате такой порочной практики сотни предпринимателей не только пострадали материально, но и понесли моральный ущерб, то становится ясным, какое большое значение будет иметь это нововведение», – заметил глава государства.

Основные законы и кодексы, касающиеся судебно-правовой сферы, были приняты около 20-25 лет назад и перестали отвечать современным требованиям.

В связи с этим парламенту было бы целесообразно принять в ближайшие годы новые Гражданский, Уголовный, Уголовно-процессуальный, Уголовно-исполнительный и Кодекс об административной ответственности. При этом особое внимание следует уделить внедрению в следственную и судебную практику передовых стандартов в области прав человека.

При совершенствовании законодательства нас более всего должен заботить не сам факт принятия новых законов, а то, какую пользу они принесут людям, как облегчат их жизнь.

Президент также отметил, что необходимо поднять на новый уровень реформы, проводимые в сфере раннего предупреждения правонарушений.

Мы ведем большую работу по совершенствованию деятельности ОВД в сфере охраны общественного порядка, борьбы с преступностью, оказанию государственных услуг. Считаю, что необходимо продолжать реформы. Органы внутренних дел должны стать настоящей опорой и защитой граждан страны.

ВРЕМЯ ПЕРЕМЕН

Советник начальника УВД Андижанской области подполковник в отставке Орифжон Юлдашев:



– Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису произвело на меня и весь личный состав УВД Андижанской области неизгладимое впечатление. В нем затронуты основные стороны жизни страны. Президент объявил 2020 год Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. Он также предложил создать антикоррупционный орган и Общественную палату для усиления общественного контроля над деятельностью государственных органов и разработать Концепцию социальной защиты населения.

В Послании Президента Олий Мажлису говорится о реализации реформ по совершенствованию деятельности органов внутренних дел.

Сегодня в органах внутренних дел создаются необходимые условия для эффективной и плодотворной работы. Территориальные инспектора профилактики обеспечены служебным жильем, автомашинами. Те, кто хорошо трудится, поощряются. Это возлагает на них еще большую ответственность: честно выполнять служебный долг, работать с душой, строго соблюдать служебную дисциплину. А тем, кто позорит честь мундира, – не место в рядах стражей порядка.

В своем Послании Президент подчеркнул, что развитию страны препятствует корруп-

ция в разных ее проявлениях. Если не искоренить это порочное явление, нам не удастся создать благоприятный климат для инвестиций, ни одна сфера жизни общества не будет развиваться.

Необходимо усилить работу с молодым поколением, особое внимание уделять незанятой молодежи. Ее надо трудоустроить, а в свободное от работы время вовлекать в занятия физкультурой и спортом. В этом деле неоспорима роль старшего поколения, ветеранов органов внутренних дел и труда. Своим личным примером они должны воспитывать чувства патриотизма, уважения к старшим, справедливости и гордости за свою Родину.

Послание Президента наметило развитие страны на многие годы, подробно охватывая все аспекты общественной жизни. Ни одна проблема, ни один важный вопрос не остался без внимания главы нашего государства.

МЕРОПРИЯТИЕ

Школьники посетили подразделения ГУВД г. Ташкента

УКД ОВД Бектемирского района и ОВД № 1 посетили более ста учащихся школ Бектемирского района столицы. Им рассказали о структуре районного управления и его подразделений на местах, специфике работы различных служб: следствия, дознания, уголовного розыска, профилактики, миграции и оформления гражданства и других



Вначале школьников ознакомили с работой сотрудников дежурной части, ее оснащением передовыми технологиями.

Юноши и девушки также побывали в изоляторе временного содержания, ознакомились с оружием, которым владеют сотрудники органов внутренних дел, и с автомобильной техникой.

Затем в актовом зале УКД ОВД прошла встреча школьников с учащимися Академического лицея № 1 МВД Республики Узбекистан. Они узнали о том, как осуществляется работа управления в целом, сколько сотрудников служит в различных подразделениях. Юноши и девушки слушали с неподдельным вниманием, задавали вопросы, узнавали о

требованиях, предъявляемых к кандидатам. Оперуполномоченные делились интересными историями из работы уголовного розыска, а ребята – своими планами на будущее. В заключение мероприятия школьникам подарили книги.

Благодаря проведенной экскурсии, учащиеся школ Бектемирского района и Академического лицея № 1 МВД смогли ознакомиться с особенностями повседневной службы стражей порядка, многие ученики всерьез заинтересовались профессией сотрудника органов внутренних дел.

Ребята поблагодарили руководство и всех сотрудников УКД ОВД Бектемирского района столицы за насыщенную и интересную программу.

Диёр-Ильхом ИСХАКОВ.

ХОТИРА УЙФОНСА ГЎЗАЛДИР

ПОКИЗА ҚАЛБ СОҲИБИ ЭДИ...

Генерал-майор Жўра Аъзамов ҳаётини ҳасбига бахшида этган, инсоний фазилатлари билан обрў қозонган инсон эди. Унинг тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлидаги меҳнатлари ҳаётлик чоғидаёқ қадр топилган. Ўзиган яхши ном ва эзгу амаллар қолдирган бу инсон ҳаёт бўлганда 90 ёшни қаршиларди. ИИБ Академиясида бўлиб ўтган илмий-маърифий тадбир Жўра Аъзамовнинг ёрқин хотирасига бағишланди.

Соҳа фахрийлари, марҳумнинг оила аъзолари, дўсту шогирдлари, профессор-ўқитувчилар ва курсантлар иштирок этган кечани Академия бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов очди.

Мамлакатимиз ички ишлар органлари фидойилари, айни пайтда тизимда хизмат қилаётган ходимлар борки, устозимизни юксак эҳтиром билан ёдга олади, — деди у. — Жўра ака Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи бўлиб тайинланганда, Сиёб туманида фаолият олиб борардим. У ўз касбининг етук билимдони бўлиш билан бирга, одамлар қадрини ўрнига қўядиган, меҳнатқаш, ҳалол ва шижоатли инсон эди. Ёш ходим сифатида унинг тажрибалари, ҳаётӣ ўғитларидан кўп баҳраманд бўлганман. Устоз ходимларни доимо қўллаб-қувватлаб, улардан маслаҳатини аямасди. Бундай инсонларни ҳаётимизнинг гултожи, деса бўлади.

Жўра Аъзамов ИИБ Тошкент ўрта махсус мактабини

тутатган, фаолиятини давлат мулкни талон-торож қилишга қарши курашиш бўлимининг тезкор вакили вазифасидан бошлаган. Кейинчалик Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи, Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, ИИБ Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият юритди.

Айниқса, унинг Самарқанд вилоятидаги хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мустақилликка эришиш арафасидаги мураккаб даврда Жўра Аъзамов халқимиз осойишталигига раҳна солаётган иллатларга қарши муросасиз курашди. Шу билан бирга, шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини кучайтириш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилашга катта ҳисса қўшди.

Генерал-майор Жўра Аъзамов истеъфога чиққанидан кейин ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувларда кўп йиллик тажрибаси, ҳаётӣ ўғитларини ёшлар билан баҳам қўрди. Ички ишлар органлари сафларида хизмат қилаётган

шогирдларига соҳа сирасорларини ўргатди.

— Устозимиз хушчақчақ, очиқкўнгли ва самимий инсон эди, — дея ёдга олди **Ички ишлар вазирлиги маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов**. — Авваламбор, ўз касбини жуда ардоқлар, қаерда ишлагани, хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиб, ҳаммага ўрнак бўларди. Айниқса, бирор жиноят содир этилса, албатта, унинг илдизига етарди. Ички ишлар ходими деган шарафли номга доғ туширадиган ҳар қандай иллатдан ўзини тиярди. Кези келганда, шуни ҳам айтиш керакки, ўтган асрнинг 80–90-йиллари республикамизда «Ўзбеклар иши», «пахта иши», деган бўҳтонлар билан минглаб ватандошларимиз қатагон қилинди, кўплари ноҳақ қамалди. Улар орасида ҳуқуқ-тартибот органларида хизмат қилган касбдошларимиз ҳам бор эди. Ана шундай таҳликали даврда Жўра ака юксак жасорат ва матонат билан хизмат қилди. Бугунги ёшларимиз

устозга ўхшаган фидойи инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида билиши керак.

Тадбирда марҳумнинг фарзандлари, сафдош дўстлари ҳам сўзга чиқиб, илқ хотиралар, ҳаётӣ воқеаларни ёдга олишди.

— Отам ҳар жабҳада бизга ўрнак бўлган, — деди **Дилором Назармухамедова**. — Болалигимизда у кишини ҳафталаб кўролмасдик. Ишдан жуда кеч қайтиб, эрта йўлга отланарди. Кечалари соғинганимиздан кутиб-кутиб ухлаб қолардик. Онамнинг айтишича, ярим тун бўлишига қарамай, отам ётоғимизга бир нигоҳ ташлаб қўяркан. Ҳаммамизга жуда меҳрибон эди. Гоҳида бирор ноҳўя иш қилганимизда, босиқлик, хушмуомалалик билан тарбия беради. Айниқса, бировнинг орқасидан гапиришни ҳеч ёқтирмасди. Кейинчалик, улғайиб воғая етганимиздан сўнг бу ўғитларнинг мағзини англай бошладик. Чиндан ҳам, ҳар бир инсон сабрли бўлиши, юртини севиши, меҳнатни қадрлаши, атрофдагиларга яхшилик улашиши лозим экан.

Ҳа, Жўра Аъзамов умр бўйи юрт ташвишида меҳнат қилган, ҳаётини эзгуликлар билан безаган покиза қалб соҳиб эди. Жўшқин таассуротларга бой хотира кечаси курсантларнинг шеърӣ чиқишлари, бадийий ҳаваскорлик жамоалари ижро этган мумтоз наволар билан давом этди.



Раим КАРИМОВ,
истеъфодаги генерал-майор:

— ИИБ Фахрийлар кенгашининг ҳар бир аъзосига маълум вазифа топширилган. Жўра Аъзамов маҳаллалар билан ишлаш йўналиши бўйича бош-қош эди. У республикамиз вилоятларида бўлиб, ички ишлар идораларида хизмат қилиб пенсияга чиққан фахрийларни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига жалб этар, қишлоқ, маҳалла, овул маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг бир қисми фахрийларимиздан сайланишига эришганди.

Қодирқул БОБОҚУЛОВ,
истеъфодаги полковник:

— Жўра Аъзамов кўл остидаги ходимларни ҳар томонлама ҳимоя қилар, уларнинг хизматини қадрлар эди. Айниқса, Самарқанд вилояти ИИБга раҳбарлик қилган йиллари марказдан келган «десантчилар» маҳаллий кадрларни менсимай, иложи борича, айбини топишга ҳаракат қилганда, Жўра ака ходимларнинг ёнини олиб, ҳар бир ишнинг қонун асосида олиб борилишини талаб қиларди.

Жамшид ХОЛОВ,
катта лейтенант.



КИТОБХОНЛИК

УНГА ДЎСТ ТУТИНГАН АДАШМАЙДИ

Жиззах вилояти ИИБ ҳамда «Жиззах китоб дунёси» савдо мажмуаси билан ҳамкорликда уюштирган китоб ярмаркасида вилоят ИИБ, шаҳар ва туман ИИБ ҳамда соҳавий хизматлар ходимлари иштирок этди.

Китоб ярмаркасида ходимлар 2000 дан ошқ номдаги ҳуқуқӣ, бадий ва илмӣ адабиётлар билан танишиш ҳамда харид қилиш имконига эга бўлишди.

— Бугунги кун ички ишлар органлари ходимларидан юқори интеллектни тақозо этмоқда, — дейди вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси катта инспектори, катта лейтенант Мирзабек Тошҳўжаев. — Шундай экан, соҳа вакиллари билимларни ошириш, маънавиятни юксалтириш, дунёқарашни кенгайтириш омили бўлиши китобга дўст тутиниши шарт. Бу борада бизга ҳафтанинг ҳар душанба куни вилоят ИИБда уюштирилаётган китоб ярмаркалари кўп келмоқда.



Тадбир давомида иштирокчиларга янги адабиётлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг бири — китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича тизимда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Тарихий, детектив ва ҳуқуқӣ мавзудаги китоблар соҳа вакиллариининг эътиборини тортди. Ярмаркада 400 дан зиёд адабиёт харид қилинди. Ички ишлар органлари ходимлари ўз фарзандлари учун болалар адабиётининг энг сара намуналари ва энциклопедияларни арзонлаштирилган нархларда сотиб олди.

Худди шундай китоб ярмаркаси вилоятнинг Шароф Рашидов тумани ИИБда ҳам бўлиб ўтди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» муҳбири,
Жиззах вилояти.

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

Анатолий ЖҰРАЕВ:

ЎТАЁТГАН УМРИМДАН МАМНУНМАН

Анатолий тенгдошлари орасида ҳаракатчанлиги, тартиб-интизоми, тарбияси билан ажралиб турарди. Унинг бир оғиз ортиқча сўз айтганини ёки хатти-ҳаракатини ҳеч ким кўрмаган. Ўқитувчиларнинг ҳар бир топширигини вақтида, ортиғи билан бажарди. Унинг ёқтирмаган, яхши ўзлаштирмаган фани бўлмасди. Таниган-билганларнинг ҳаммаси унга ҳавас қиларди. Шу боис уни «Тилла бола», дейишарди.

Анатолийнинг отаси, полковник Малик Жўраев ички ишлар органларида ишлагани боис турмуш ўртоғи Мария Соскова билан тўрт фарзандини етаклаб бир неча вилоятга кўчишига тўғри келди. Бухоро вилоятида таваллуд топган Анатолий Самарқанд, Қашқадарёдаги мактабларда таҳсил олди. Маҳалладошлари билан яқин мулоқотда бўлиб рус, ўзбек, форс тилларини пухта ўзлаштирди. Спортнинг гимнастика тури билан астойдил шуғулланди. Мусобақаларда ғалаба нашидасини сурди. Спорт усталигига номзод даражасига эришди. Аъло баҳоларга ўқиб, Қарши шаҳридаги 9-сонли умумий ўрта мактабни олтин медаль билан битирди.

У ёшлигидан учувчиликка қизиққан боис самолёт, ракеталарга меҳри орта борди. Тенгдошлари қайси олий таълим муассасасига борсам, деб турган вақтда, у Фарғонадаги самолётсозлик хунар-техника билим юртини танлади. Буни эшитган онаси турмуш ўртоғига «... айтинг,

тушунтиринг, институтга топширсин», деб қайта-қайта такрорларди. Малик Жўраев рафиқасини ҳам, бошқа яқинларини ҳам тинчлантирди. «Анатолий, сенинг қарорингни қувватлайман. Қалбингга қулоқ сол ва мақсадинг сари дадил қадам бос», деди.

Анатолий 1972 йили ниятига эришиб, Фарғона шаҳридаги 1-сонли хунар-техника билим юртини аъло баҳолар билан яқунлади ва самолётларни йиғувчи 3-даражали чилангар мутахассислигини эгаллади. Фарғона шаҳридаги самолётсозлик заводининг қисмларни йиғиш, таъмирлаш цехига ишга кирди. Жисмоний, жанговар тайёргарлиги юқори даражада бўлгани боис уни рағбат тариқасида бўлинка командирларини тайёрлайдиган махсус курсга ўқишга юборишди.

Ҳарбий хизматдан кичик лейтенант унвони билан ота-онанинг бағрига – Қарши шаҳрига қайтди. Унинг таржимаи ҳоли билан яқиндан танишиб, туман ҳарбий комиссари-



ятига қақришди ва «Ички ишлар органларининг жиноят қидирув хизматига кирасанми?», дейишди. Ота касби бўлгани учун таклифни бажонидил қабул қилди. Шу тарзда 1976 йилдан офицер сифатида Қашқадарё вилояти ИИБ ЖКБ инспектори лавозимида хизматни бошлади. ИИБ Тошкент олий мактабида сиртдан ўқиб, олий маълумотли ҳуқуқшунос мутахассислигига эга бўлди.

1985–1990 йилларда вилоят, республиканинг энг юқори ташкилотларидаги давлат ҳуқуқ идоралари билан ишлаш бўлимида фаолият юритди. 1990 йилдан яна ички ишлар органлари тизимига қайтди: ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бошлиғи лавозимида фаолият юритди. 2007 йилда полковник унвонида пенсияга чиқди.

Шундан сўнг ҳам турли идора, корхоналарда раҳбарлик лавозимларида ишлади. 2017 йилдан ИИБ Академияси раҳбариятининг таклифига биноан, ички ишлар идораларида бошқарув асослари кафедраси катта ўқитувчиси сифатида ёшларга сабоқ бера бошлади. Айна пайда мазкур таълим муассасасида Илмий-амалий тадқиқотлар маркази катта илмий ходими

лавозимида фаолиятини давом эттирмоқда.

Истеъфодаги полковник Анатолий Жўраев ҳозир ҳам тетик, ҳаракатчан. У кун тартибига қатъий амал қилади: спорт билан доимий шуғулланиб, соғлиққа зарарли иллатлардан тийилиб юради.

А. Жўраевнинг укаси Александр Қашқадарё вилояти ИИБда турли лавозимларда фаолият юритиб, подполковник унвонида пенсияга чиқди. Опаси Роза, синглиси Раиса ҳам олий маълумотли. Улар ҳам жамиятда ўз ўринларини топди. Қизи Татьяна ИИБ Академиясини битириб, вазирликнинг Моддий-техника таъминоти бошқармасида бош юриконсульт бўлиб ишламоқда. Унвони майор.

Мақоламиз қахрамони ҳар доим шукур қилиб яшайдиган инсонлардан. Ундан ҳол-авҳол сўраганларга «Яхши, зўр, аъло. Ўтаётган умримдан мамнунман, армоним йўқ», деган сўзларни айтади.

Уни таниган-билганлар эса ҳар доим бу инсондан ибрат олишга интилишади. Энди уни «Тилла бола, тилла йигит» эмас, «Тилла одам, тилла инсон», дейишади...

Абдураҳим ХАЛИЛОВ,
полковник.



ЭҲТИРОМ

ИЗЗАТУ ИКРОМ БИЛАН

Бир соҳада узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, ҳамкасблари ҳурматини қозониш ва ёруғ юз билан пенсияга кузатилиш катта бахт. Ички ишлар органлари тизимида ҳам кўп йиллик хизмат тажрибаси билан ёшларга устозлик қилган, фидойи инсонларни иззату икром билан пенсияга кузатиш яхши анъанага айланган.

ИИБ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси навбатчилик қисми навбатчиси, катта сержант Ҳалимжон Қўчқоров ҳам осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда кўп йиллар жонбозлик кўрсатди. Фаолиятини 1992 йилда бошлаган Ҳ. Қўчқоров ИИБ ППХ ва ЖТСББ Алоҳида милиция ба-

талъони милиционери, навбатчилик қисми инспектор-навбатчисининг ёрдамчиси ва бошқа лавозимларда хизмат қилган. 2019 йилда эса ИИБ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси Махсус тайёргарлик ўқув маркази навбатчилик қисми навбатчиси лавозимига тайинланган.

У ўтган йилларда кўплаб шогирдлар етиштириб, ҳурмат қозонган. Ҳ. Қўчқоровни пенсияга кузатиш тадбирида сўзга чиққанлар унинг фидойиларча хизматларини эътироф этишди ҳамда тўн ва дўппи кийдирилиб, эсдалик совғалари тақдим қилинди.

Ўз мухбиримиз.



Энг оғир китоб

Дунёдаги энг оғир китоб Британия музейида сақланувчи XVII асрга оид географик атласдир. Унинг бўйи 1,9 метр, оғирлиги 320 килограммдир.

Энг оғир китоб

САРҲИСОБ

ҲАР БИР ХОДИМ ЎЗ ФАОЛИЯТИГА ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИШИ ЛОЗИМ

Сурхондарё вилояти ИИБда вилоят ички ишлар органлари ходимлари томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икромов иштирок этиб, тизимда амалга оширилаётган ислохотлар, ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятини самарали олиб бориши учун яратилаётган шароитлар ҳақида сўз юритди. Бугун ҳар бир ходим ўз фаолиятига танқидий баҳо бериб, таҳлил қилиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг ўтган йили вилоятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка



қарши курашиш ва содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот тинланди.

– Хизмат самарадорлиги тартиб-интизомдан бошланади, – деди генерал-ма-

йор А. Икромов. – Ҳар бир ходим, сафдордан тортиб юқори раҳбаргача хизмат интизоми ва қонунийликка қатъий амал қилиши лозим. Ҳар бир ички ишлар органи ходими кўйи тизимда, яъни маҳаллада фаолият олиб бораётган профилактика инспектори билан ҳамкорликдаги фаолиятини йўл-

га қўйиши зарур. Негаки, маҳалла тинч бўлса, бутун мамлакат тинч бўлади. Шунинг учун ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишни, унинг барвақт олдини олишни маҳалладан бошлашимиз керак.

Муҳокама натижаларига кўра, хизмат вазифасини бажаришда мунтазам кам-

чиликларга йўл қўйиб келган бир қатор раҳбар ва ходимларга, ҳудудий профилактика инспекторларига нисбатан тегишли интизомий чоралар қўлланилиб, айримлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Баъзилари ички ишлар органлари сафидан бўшатилади.

Танқидий руҳда ўтган йиғилиш сўнггида вилоятда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, содир этилганларини тезда фош этиш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш борасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан маъсул раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Фарҳод ТОШБОЕВ,
капитан,
Сурхондарё вилояти.

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, АММО...

2014 йилнинг 11 апрели... Бу кунни ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ Криминал ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи лавозимда хизмат қилаётган подполковник Ҳайитмурод Давлатов асло унутмайди. Чунки айнан шу кунни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари уни иш жойидан қўлига кишан тақиб олиб кетиб, хаёлига ҳам келмаган жиноятларни содир этганликда айблашди.

Умрида кўрмаган бир неча шахсларни рўбарў қилиб, гувоҳ сифатида кўрсатишди. Хусусан, уни мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, қандайдир адвокат билан жиноий тил бириктириб, «Лото» қимор ўйингоҳларининг ташкил этилишига ҳомийлик қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўтказилиши кутилаётган тезкор тадбирлар ҳақида қимор ташкилотчиларини оғохлантириб туриш эвазига манфаатдор бўлганликда айблашди. Шу «хизматлари» эвазига гувоҳ деб кўрсатилган шахслар билан бир неча бор кафе-ресторанларда учрашиб, еган таоми учун пул улар томонидан тўлангани иддао қилинди.

– Халқимизнинг «Тухмат балосидан ўзи асрасин» деган гапини кўп эшитгандим-у, лекин унинг инсон бошига не-не маломатларни солишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ўзим унинг жабрини тортганимдан кейин халқимиз билиб айтганига амин бўлдим, – дейди подполковник Ҳ. Давлатов ўша кунларни ёдга олиб. – На тайинли бирор гувоҳ, на ишонарли далил бўлмаган жиноят ишида қилмаган қилмишларим кўриб чиқилди. Биласизми, ана шу пайтда ҳам адолат тантана қилишига ишондим. Лекин кутганим содир бўлмади. Суд мени 6 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарганини эшитиб, тилимда фақат икки жумла айланарди: нима учун, менинг айбим нима? Лекин бунга жавоб берадиган киши йўқ эди...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан

Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асосиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

«АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛИШИГА ИШОНАРДИМ»

Ҳ. Давлатов адолат қарор топишдан умидини узмади. Адвокатлари ишнинг қайта кўриб чиқилишини сўраб, кўп бора юқори инстанция судларига шикоятлар киритди. Ҳ. Давлатовнинг айби исботланмагани, дастлабки тергов ЖПК талаблари бузилган ҳолда олиб борилгани, уни айблаш учун бирор-бир мақбул далил аниқланмагани тўғрисида вазлар келтирилди. Дастлабки терговда айбланувчи ва гувоҳларга тазйиқ ўтказилгани, гувоҳлар берган кўрсатувларини судда инкор қилишгани, суд фақат суд жараёнида аниқланган далилларга асосланиши лозимлигини инобатга олиб, ҳукм бекор қилинишини ва уни оқлашни сўрашди.

Бу орада 2014 йилдаги амнистия акти асосида унинг жазо мuddати учдан бир қисмига қисқартирилиб, жазо озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури билан алмаштирилди.

– Озодликка чиқиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган бўлсам-да, мени, наҳотки, қилмаган ишим учун жиноятчи бўлиб қолсам, умрим даво-

мида «судланган» деган тамга билан юрсам, деган оғриқли савол қийнардими, – дейди Ҳайитмурод Давлатов. – Ахир, кўпчилик наздида мен қилмиши учун жазоланган порахўр шахс бўлиб қолгандим. Шу сабабдан ҳақиқатнинг қарор топиши, номимнинг покланиши учун курашишдан қайтмадим. Тинимсиз вазирлик ва идораларга мурожаат қилдим. Ниҳоят, менинг ишим қайта кўриладиган бўлди.

2018 йил 18 сентябрь кунини Жиноят ишлари бўйича Ташкент шаҳар суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ишни атрофлича кўриб чиқди ва Ҳ. Давлатов 2013 йил март-октябрь ойлариданоқонуний равишда «Лото» қимор ўйингоҳларини ташкил этилишига ҳомийлик қилиб келгани, бунинг эвазига тамағирлик йўли билан пора олганлиги ҳеч бир далил билан исботланмади.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси судланувчи Ҳ. Давлатов пора олиш жиноятини содир этмаган, деган хулосага келди ва уни Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари билан айбли деб топиш ҳақидаги

ҳукми бекор қилиб, жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ҳамда унинг қилмишида жиноят таркиби маъжуд эмаслиги сабабли Жиноят-процессуал кодекснинг 83-моддаси 1 ва 2-бандига асосан тугатди. Судлов ҳайъати уни айбсиз деб топди.

2019 йил февраль ойи... Ҳайитмурод Давлатовнинг кўпдан буён кўнглига туққан орзу-ниятлари амалга ошди. Яна ички ишлар органлари сафига қайтиб, гард юқтирмаган хизмат либосини кийди. ИИБ Жиноят кидирув бош бошқармасида етакчи мутахассис сифатида хизматни давом эттирди. Фидойи ходим эканлигини амалда исботлаб, 2017–2018 йилларда фош этилмай қолган бир неча жиноятларнинг очилишига бошқош бўлди.

Бугун подполковник Ҳ. Давлатов Термиз шаҳар ИИОФМБ бошлиғи лавозимда фаолият кўрсатмоқда.

– Айримлар озроқ ҳақсизликка учраса, ҳуқуқлари поймол этилса, бу дунёда ҳақиқат йўқ экан, дея дарров ортга чекинилади. Ваҳоланки, ҳақиқат эгилади, аммо синмайди. Адолат учун курашишдан қайтмаслик лозим экан, – дейди подполковник Ҳайитмурод Давлатов. – Шаънимни ҳимоя қилиб, айбим йўқлигини исботлашга имкон бергани учун Юртбошимиздан, вазирлигимиз раҳбариятидан жуда миннатдорман. Бундан кейин ҳам қасамёдимга содиқ қолиб, халқимга фидойилик билан хизмат қилишга ваъда бераман.

Фозилжон МАМАШАРИПОВ,
«Postda» мухбири.

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Манзура Эгамова:

Айрим ҳокимлар ўз сўзини ўтказиш учун фермерларни беадаб сўзлар билан уришаётганини эшитиб, хайрон қоламан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

«Ижро органларида, вазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, муҳтарам опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак, — дея таъкидлади Юртбошимиз. — Мен туман ҳокими лавозимига ҳам аёлларни излаяпман, лекин тополмаяпман. Уларни ҳам синаб кўриш керак, уларга ҳам имконият бериш керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётини муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрناق бўлади».

Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони 12 йил туман ҳокими лавозимида фаолият юритган Манзура Эгамовадир. У Жалакудук туманида кўп фарзандли оилада дунёга келган. Отаси Иминжон Норматов бир умр жамоа хўжалигида агрономлик қилган. Онаси Кимёхон опа уй бекаси бўлган ва болалар тарбияси билан шуғулланган. Манзура оилада ўғил фарзандлар орасида ёлғиз қиз эди. У мактабни битиргач, ёшлар пахта бригадасига етакчилик қилди. Бир йилдан сўнг Андижон пахтачилик институтининг агрономия факультети сиртки бўлимига ўқишга кирди. Сўнг-ра жамоа хўжалигида иқтисодчи лавозимида ишлайди-

ган Роҳиддин Эгамов билан турмуш қуришди. Ёш оилада бирин-кетин фарзандлар дунёга келди.

— 1972 йил 26 октябрь куни қутилмаганда қор ёғиб қолди, — эслайди Манзура опа. — Унча-мунча эмас, нақ ярим метр бўйи кўтарилди. Ҳали пахтаси терилмаган майдонларимиз қолганди. Мен ожизликдан йиғлардим, негаки, биз, ёшлар ҳар бир гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосилини йиғиб олишни режалаштиргандик...

Ўша куни Жалакудук туманига республикамиз раҳбари Шароф Рашидов келди. Мени кўриб, ёнига чақирди.

— Нега йиғлаяпсан, қизим? — деб сўради.

Мен чидаб тура олмадим ва унга кўзимда ёш билан режаларимиз ҳақида сўзлаб бердим.

— Йиғлама, қизим, — деди у оталарча меҳр билан. — Қор бир-икки кунда эриб кетади, ўша 40 центнер пахтани, албатта, териб оласан.

Мазкур учрашув бир умр хотирамда муҳрланиб қолди.

Орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг серғайрат Манзурани жамоа хўжалигининг касоба уюшмаси ташкилоти раиси этиб сайлашди. У дипломли мутахассис бўлганидан кейин пилла етиштириш бўйича агроном вазифида ишлади.

Сўнгра олис чўл ҳудудидаги Бўз тумани ижроия кўмитаси раиси лавозимида фаолият юритди. Манзура Эгамова икки йил Жалакудук тумани ҳокими ўринбосари, кейинчалик 1993 йилдан 2005 йилгача мазкур туман ҳокими сифатида аҳолига хизмат қилди. У раҳбар этиб тайинланганига қадар туманда пахта, бугдой ва пилла етиштириш бўйича белгиланган режа камдан-кам ҳолларда бажариларди. Лавҳамиз қаҳрамони ишга киришгач, Жалакудук тумани барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича етакчи ҳудудга айланди.

Манзура опа пенсияга чиқишдан олдин уч йил хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари бўлиб ишлади. Кейинчалик ҳам уйда ишсиз ўтира олмади, туман ҳаётида фаол иштирок этди. Яқинда уни Андижон вилояти кенгашига депутат қилиб сайлашди. Бундан ташқари, М. Эгамова вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича жамоатчилик вакили сифатида туманда фаолият олиб боради.

Манзура опа ҳаёти давомида ҳамма нарсага ҳам осонликча эришмаган. Катта ўғли Баҳриддин 18 ёшида оққон касаллигига чалиниб, вафот этган. Фарзанд доғига чидай олмаган турмуш



ўртоғи Роҳиддин ака ҳам миокард инфаркти туфайли бу дунёни тарк этган. Манзура опа қолган фарзандлари — қизи Гулнорахон, ўғиллари Баҳромжон ва Зухриддинни ўзи оёққа турғазиб, уларнинг олий маълумотли бўлиши учун имкон қадар ҳаракат қилди. Бугун қаҳрамонимиз фарзандлари ардоғида, 7 набира ва 4 эвара даврасида кексалик гаштини сурмоқда.

70 ёш остонасида турган Манзура опа ҳамон телик-бардам, куч-ғайратга тўла. Ҳар куни велотренажёрда машқ қилади, об-ҳаво қандай бўлмасин, камида уч чақирим яёв юришни қанда қилмайди.

— Мен ишсиз ўтира олмаман, — дейди у. — Ҳаракатсиз хаста бўлиб қоламан. 12 йил Жалакудук тумани ҳокими лавозимида ишлаб, ҳеч қачон ҳеч кимга овозимни баландлатмадим. У хоҳ илғор механизатор, хоҳ қоқоқ бригадир бўлсин, ҳар бир меҳнаткашнинг қалбига йўл топа олардим. Одамлар ҳам мени тушунар, панд бермасликка ҳаракат қилишарди. Ҳозирги айрим ҳокимлар ўз сўзини ўтказиш учун фермерларни беадаб сўзлар билан уришаётганини эшитиб, беихтиёр хайрон қоламан. Ахир, бу самарали тарбия усули бўла олмайди. Бугунги кунда ўз ҳуқуқларини англаб етаётган халқ таёқ остида ишлайди. Бундай раҳбарларга

қарата: «Одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлинг, фақат шундагина керакли натижаларга эришасиз», дегим келади. Агар имкон берилганида, яна ўн йил ҳоким бўлиб ишлаган бўлардим.

Манзура опа бениқсон фаолият йиллари давомида кўплаб шогирдларни тарбиялади. Жалакудук тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Маликаҳон Юсупова, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг Андижон вилояти бўлини маси раҳбари Садбархон Мамитова, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Зокиржон Давронов, ўринбосари Араббой Абдурахимов, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Шўхрат Тўхтаохунов, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Ўктамжон Охунов шулар жумласидандир. Туман фермерларига келсак, уларнинг аксарият қисми ўзини Манзура Эгамованинг шогирди деб ҳисоблайди.

Қаҳрамонимизнинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб баҳолалиб, «Фидо-корона хизматлари учун» ордени ва «Шўхрат» медали билан тақдирланган, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Борис КЛЕЙМАН,
ўз мухбиримиз.
Муаллиф олган сурат.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ИИБ Хоразм академик лицейида ходимларни мақсадли тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш, уларни Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлигини янада оширишга доир ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда ҳарбийлаштирилган тузилмаларнинг кадрлар билан ишлаш хизмати бошлиқлари иштирок этишди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда ҳарбийлаштирилган ту-

зилмалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва тажриба алмашиш мақсадида ўтказилаётган ўқув-семинар машғулотини вилоят ИИБ кадрлар бошқармаси бошлиғи, подполковник А. Раҳмонов очиб, ходимларнинг касбий маҳорати ҳамда жанговар

шайлигини ошириш, хизмат интизоми, қонун талабларига қатъий риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эътирозларига сабаб бўлувчи омилларга йўл қўймаслик ҳамда соҳага оид қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқат қарорларини чуқур ўрганиш ва хизматни шу асосда ташкил этиш бўйича атрофлича сўз юритди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республи-

каси Миллий гвардияси Хоразм вилояти бўйича бошқарма бошлиғининг ўринбосари, майор Ш. Ражабов ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзуга доир масалаларга тўхталишди.

Ҳамкорликда ташкил этилган ушбу ўқув-семинар машғулотини шахсий таркиб учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.



ОБЪЕДИНЕННАЯ РЕДАКЦИЯ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН РАСШИРЯЕТ ДЕЛОВЫЕ СВЯЗИ

с коллегами, представляющими ведомственные печатные и интернет-издания МВД стран СНГ

Отрадно, что эти связи расширяются и крепнут. Возникшая идея об обмене материалами, повествующими о нелегкой, но необходимой службе сотрудников органов внутренних дел дружественных стран, вызвала живой интерес среди работников нашей редакции. Сегодня в рубрике «Творчество наших коллег из СНГ» представляем вниманию читателей статью «Когда улица полна неожиданностей...», автором которой является старший корреспондент отдела медиа-проектов газеты «Щит и меч» Объединенной редакции МВД России Елена Кузнецова. Надеемся, данная рубрика понравится нашим читателям.



КОГДА УЛИЦА ПОЛНА НЕОЖИДАННОСТЕЙ...

Заступая на дежурство, сотрудники патрульно-постовой службы готовы к любому повороту событий. А вот злоумышленники иной раз совсем не ждут встречи с полицейскими, которые своим внезапным появлением рушат их планы и приводят в замешательство.

Благодаря способности сотрудников отдельного батальона патрульно-постовой службы полиции УМВД России по городскому округу Подольск принимать моментальные решения в самых непростых ситуациях, с начала года количество раскрытых по горячим следам преступлений, совершенных в общественных местах, увеличилось. А уличных правонарушений стало значительно меньше. Некоторые негативные явления в городе вообще изжиты

300 ТЫСЯЧ – И РАЗЪЕЗЖАЕМСЯ...

Житель российской столицы, занимавшийся торговлей контрафактным алкоголем, решил устроить склад запрещенной продукции подальше от мегаполиса и от лишних глаз. Арендатор нежилое помещение в подмосковном Подольске, полагал, что за воротами невзрачного на вид гаражного кооператива он будет в полной безопасности. Но ошибся. Выгружая ящики со спиртным из своей «газели», бизнесмен был застигнут врасплох нарядом ППС. Полицейские еще и вопросы стали неудобные задавать, требовать документы. Не поверили, что он приобрел товар – 80 ящиков водки и канистры со спиртом – для личного пользования. Тогда мужчина решил замять дело и предложил за «потерю памяти» стражам порядка вознаграждение: «Даю 300 тысяч и еду дальше». Напоминание полицейских об уголовной ответственности за дачу взятки не воспринял всерьез. А зря. Сотрудники подольского отдельного батальона патрульно-постовой службы – инспектор группы управления нарядами лейтенант полиции Александр Зайцев и водитель старший сержант полиции Олег Монахов соблазну не поддались. Они вызвали на место оперативников отдела экономической безопасности и противодействия коррупции УМВД.



Проверка документов

Продавец контрафактной продукции понес наказание не только за свой нелегальный бизнес, но и за попытку дать взятку.

Внезапное появление полицейских нарушило планы и жителей Подольска, промышленно кражами кабеля. Злоумышленники старались совершать свои делишки под покровом ночи. Открывали люки, подгоняли к ним машины, которые служили еще и прикрытием. Орудия кусачками и лебедкой, они похищали сотни метров кабеля. На пункте сдачи цветных металлов за него получали немаленькие деньги. Но на этот раз обогатиться помешали стражи порядка, которые пресекли попытку кражи из четырех шахт 250 м кабеля. Похитители, заметив патрульную машину, кинулись наутек. Но скрыться от преследования не удалось.

Как известно, уже само присутствие людей в погоне на улицах города носит превентивный характер. Но, как только полицейские покинут вверенную территорию, злодеи могут почувствовать себя безнаказанными. Поэтому нередко проводится скрытое патрулирование. Сотрудники подольского батальона ППС, которые несут службу в гражданской одежде, благодаря эффекту внезапности поймали за руку не один десяток злоумышленников. Особенно часто в поле зрения скрытых патрулей попадают наркочилеры. Так, сотрудники ППС заметили припаркованную на обочине машину. Поведение мужчины, который находился рядом с автомобилем, вызвало подозрение: он как будто ожидал кого-то и заметно

нервничал. А когда стражи порядка приблизились к незнакомцу, попытался убежать в поле. Задержав беглеца, полицейские обнаружили при нем пакет с белым порошком, напоминающим сильнейшим наркотиком. В припаркованной машине в присутствии понятых изъяли еще три пакета с таким же содержимым. Экспертиза показала, что белый порошок – не что иное, как героин. Так была пресечена попытка сбыта порядка четырех килограммов ядовитого зелья.

И ПСИХОЛОГИ, И АКУШЕРЫ

Работа в ППС требует хорошей физической формы и отличного здоровья по умолчанию. Прохождение армейской школы – обязательное условие. Несмотря на то что служба в таком подразделении очень напряженная, желающих встать в ряды сотрудников патрульно-постовой немало. Молодые полицейские здесь проходят хорошую школу жизни, получают бесценный профессиональный опыт и возможность карьерного роста.

– Регулярно – каждый вторник и четверг – у нас организованы занятия по отработке приемов самообороны, рукопашному бою, – рассказывает заместитель командира отдельного батальона ППС полиции УМВД России по г.о. Подольск подполковник полиции Радик Гатауллин. – Минимум два раза в месяц – по огневой подготовке. Перед тем как заступить на службу, личный состав проходит инструктаж по про-

верке документов, досмотру граждан, транспортных средств и даже по вопросам, связанным с психологией.

Как утверждают сотрудники ППС, в процессе ежедневного наблюдения за поведением жителей города в общественных местах они начинают неплохо разбираться в людях. Это приходит с опытом. Однако специальные знания, которые полицейские получают в ходе инструктажа от представителей службы морально-психологического обеспечения, помогают развивать интуицию, безошибочно определять намерения человека.

Любопытно, что заступить на дежурство сотрудник ППС может, только отведя на 10 вопросов, касающихся правомерности действий наряда патрульно-постовой службы в той или иной ситуации. Примеры берутся из жизни. Также проверяется уровень знания Уголовного кодекса. После успешного прохождения такого тестирования сотрудник допускается к патрулированию вверенной территории.

Учат полицейских и поведению в экстремальных ситуациях, оказанию первой помощи пострадавшим. Усвоив теорию, при ЧП они действуют «на автомате». Это позволяет справиться с эмоциями, которые могут помешать в такие моменты. К примеру, старшего сержанта полиции Андрея Терсбилкина коллеги теперь в шутку называют «наш акушер». Ему пришлось принимать роды у жительницы Подольска прямо на конечной остановке троллейбуса.

Кроме того, прямая обязанность полицейских патрульно-постовой службы – поддерживать общественный порядок во время массовых мероприятий: спортивных матчей, концертов, митингов, общегородских праздников. Им часто приходится выезжать в служебные командировки в другие регионы России.

– Нагрузка у нас очень большая, поэтому требуется не только высокий уровень профессионализма, но и, прежде всего, любовь к своему делу, – отметил в заключение Радик Гатауллин.

Елена КУЗНЕЦОВА,
старший корреспондент отдела медиа-проектов газеты «Щит и меч» Объединенной редакции МВД России.

Фото Дарьи РЫБАКОВОЙ.
Московская область.

В НАЧАЛЕ ЖИЗНЕННОГО ПУТИ

«Я ИСПЫТЫВАЮ ОГРОМНОЕ СЧАСТЬЕ»

Сорока учащимся Андижанского академического лицея МВД, достигшим 16 лет, в торжественной обстановке вручили паспорта Республики Узбекистан

В мероприятии участвовали заместитель начальника Управления миграции и оформления гражданства подполковник Джахонгир Исмоилов, начальник отдела Следственного управления при УВД Андижанской области подполковник Рустамжон Каххаров, близкие и родственники учащихся.

— От всей души поздравляю с получением паспорта. Вы можете гордиться тем, что стали полноправными гражданами нашей страны, — сказал в своем выступлении директор Андижанского академического лицея МВД подполковник Зоиржон Нурматов. — Это основной документ, удостове-

ряющий личность, к нему надо относиться бережно.

Подполковник Д. Исмоилов, выступая перед учащимися, отметил, что за последний год сотни молодых соотечественников получили паспорта. Он подчеркнул значимость получения паспорта в жизни каждого человека, поздравил ребят с этим событием и пожелал им успехов во всех начинаниях.

Узбекистан избрал путь построения демократического государства с сильным гражданским обществом, определив обеспечение прав и свобод человека важнейшим приоритетом государственной политики, которая реализуется на основе принципов социальной справедливости и законности.

— Нам вручили паспорта нашей Родины, — поделилась учащаяся 1-го курса Марварид Шодмоналиева. — Мы внесем достойный вклад в ее развитие. В настоящее время под руководством Президента создается много возможностей для молодежи. Будем стремиться использовать их и приложим усилия к глубокому овладению знаниями.

— Получая паспорт, я испытал огромное счастье и волнение, — сказал лицеист Камронбек Умаров. — Рада и моя мама. Огромное спасибо Президенту страны за проявляемые к нам заботу и внимание.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту».

Фото Б. МАМАЖОНОВА.

Андижанская область.



ВНИМАНИЕ: ПОДРОСТОК!

Оберегая молодежь, мы обеспечиваем стабильное будущее

Подростки — особая категория, наиболее уязвимая в социальном и психологическом отношении, которую надо оберегать в первую очередь

Мы не раз приводили примеры того, как несовершеннолетние от безделья ищут приключения на свою голову. Как показывает практика, многие правонарушения и преступления среди несовершеннолетних происходят именно от праздности. Для того чтобы оградить подростков от неверных шагов, сотрудники службы профилактики ГУВД г. Ташкента проводят в образовательных учреждениях и махаллях профилактические мероприятия и рейды по предупреждению правонарушений среди несовершеннолетних.

В результате в столице за 10 дней, с 13 по 22

января 2020 года, было зафиксировано 7 фактов ношения учащимися колото-режущих предметов. К примеру, 22 января в ходе очередного профилактического мероприятия, проведенного в образовательных учреждениях, сотрудниками УКД ОВД Учтепинского района было установлено, что ученик десятого класса одной из школ, 16-летний С. М. принес на уроки нож.

В целях принятия необходимых мер по выявленным фактам был собран материал, который затем передан в комиссию по делам несовершеннолетних при хокимияте.

Именно в этом возрасте, когда подростки формируются как личность, им необходимо уделять пристальное внимание. Родители, инспектора профилактики, администрация школ и других образовательных учреждений, учителя должны контролировать их, следить за тем, как подростки учатся, где и с кем проводят свободное время.

Уважаемые родители! Не будьте безразличными к своим детям. Чаще разговаривайте с ними, интересуйтесь, чем занимаются на досуге. Ведь нож в кармане — это первый сигнал о том, что у подростков есть или могут возникнуть неприятности с далеко идущими последствиями.

Соб. корр.

«Осуществляемые нами реформы получают достойную оценку международного сообщества. В частности, одно из авторитетных в мире изданий — журнал «Экономист» признал Узбекистан страной года, государством, где реформы в 2019 году осуществлялись наиболее быстрыми темпами».

(Из Послания Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису.)

МЫ ПРОТИВ КОРРУПЦИИ



ЧЕСТНОСТЬ ПРЕВЫШЕ ВСЕГО

Сотрудники органов внутренних дел осуществляют широкомасштабные мероприятия, направленные на борьбу с коррупцией. В частности, стражи правопорядка Наманганской области проделали большую работу в данном направлении. Так, в прошлом году было зафиксировано несколько попыток дачи взятки стражам правопорядка для того, чтобы «уладить» дело, не дать ход законному процессу

К примеру, с рапортом на имя начальника УВД Наманганской области обратился старший следователь следственного отделения 4-го ГОМ УКД ОВД г. Намангана капитан О. Жалалов. Сотрудник заявил о том, что в ходе ведения следственных действий по уголовному делу, возбужденному согласно пункту «в» части 3 статьи 169 УК Республики Узбекистан, гражданин Б. Ю., обвиняемый в соучастии в совершении преступления, был приглашен на допрос. Гражданин Г., представившийся знакомым Б. Ю., улучив момент и оставшись наедине с сотрудником органов внутренних дел, предложил ему 500 долларов США, а взамен попросил «остановить» дело своего знакомого. О данном факте следователь сообщил руководству УВД. Согласно рапорту капитана были проведены совместные оперативные мероприятия с участием представителя областной прокуратуры, отдела УСБ МВД республики по Наманганской области, следственного и экспертно-криминалистического подразделений. Гражданин Г. был задержан в момент передачи капитану О. Жалалову 450 долларов США. По данному факту возбуждено уголовное дело.

Оперуполномоченный отделения уголовного розыска Касансайского РОВД лейтенант Э. Худойбердиев обратился с рапортом на имя начальника УВД Наманганской области по факту предложенной ему взятки. В ходе оперативных мероприятий, про-

водимых совместно сотрудниками ряда правоохранительных органов, под сиденьем остановленного для проверки автомобиля «BA3-2101», принадлежащего жителю Касансайского района О. Ш., было обнаружено вещество зеленого цвета с острым запахом. О. Ш. предложил оперативнику взятку в замере 400 долларов США, чтобы факт не оформляли. Злоумышленника задержали в момент передачи денег сотруднику в его кабинете.

В рапорте на имя начальника УВД Наманганской области старший инспектор 1-й мобильной группы ОДПС УБДД УВД области сержант Д. Аширралиев сообщил о том, что житель г. Коканда О. Б. предложил 200 тысяч сумов, чтобы он вывез со штрафплощадки регулярного поста ДПС «Наманган» его автомобиль «Нексия» и не оформлял протокол. Страж порядка просил принять законные меры по данному факту. На основании рапорта были проведены оперативные мероприятия и О. Б. задержали в момент передачи взятки сотруднику органов внутренних дел.

Данные примеры показывают, что стражи порядка, в чьи обязанности входит, в первую очередь, борьба с любыми проявлениями преступности, показали пример честности, самоотверженности и непримиримости, оставаясь верными данной присяге.

Азиза ЖАНИЕВА,
корреспондент «На посту».

Наманганская область.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

Тақдир азал миллат манглайига ҳазрат Навоийдек улуғ зотни битгани ўзбек халқининг ўтмиши, ҳозирги ва келажақдаги ҳар бир вакили учун чексиз ғурур ва ифтихор тимсоли бўлиб қолаверади.

«АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗУНЖ ОБОД ҚИЛ...»



Навоийнинг абадиятга дахлдор мероси, бетакрор асарлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун башариётнинг бебаҳо маънавий хазинасига айлангани рост. Бугунги кунда ул зотнинг умрбоқий асарлари дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган. Бу асарлардаги эзулик, инсонпарварлик, садоқат, имон-этиқод тараннуми инсониятни ҳамжихатликка даъват этиб келаётди.

Унинг асарларини мутолаа қилиш асносида ҳазратнинг бетимсол зақоси олдига ҳайрат уммонига гарқ бўласиз. Назаримизда, ул зот юксак даражада тараққий этган замонамизнинг ўзига хос жиҳатларини, ҳатто муаммоларини беш ярим аср илгари теран нигоҳ билан кўра олгандек. Мисол тариқасида глобал аҳамият касб этаётган экологик муаммоларни олайлик. Бугунги кунда инсоннинг табиатга нисбатан шафқатсизларча муносабати натижасида экологик вазият тобора кескинлашиб бораётгани айни ҳақиқат.

Эсланг, «Сабъаи сайёр» дostonида шох Баҳром овга чиқиб, навкарлари билан жонзотларга мисли кўрилмаган даражада қирон келтиради. Қон дарёдек оқади.

*Шер ила жайран ул мақом ичра,
Туштилари чун бу навъ дом ичра.
Юз туман шеру жайран ўлди чу гарқ,
Шеру жайран аро ўларда не фарқ?*

Қон ҳароратидан ернинг устки қаттиқ қатлами ивиб, унинг остидаги ботқоқлик Баҳром ва навкарларини ўз домига тортади.

Навоий ҳазратлари олис ўтмишдан туриб, бугунги замондошларни муқаррар бир хавф-хатардан огоҳ этган экан. «Агар шу тахлит кетаверсак, Шох Баҳром ва унинг сафдошлари қисмати бутун инсониятнинг бошига тушмасмикин?» деган фикр шууримизни жунбишга келтиради.

Алишер Навоий наинки ўз асарлари, балки эзгу амаллари билан ҳам эл-улусга ибрат кўрсатгани тарихий манбаларда акс этган. Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асаридида тилга олинган, кўпчиликка яхши таниш бир воқеани эслайлик. Амир Низомиддин Алишер таҳорат олаётганларида либосларига илашиб қолган бир чумолини, ўз уясида йироқда сарсон бўлмасин деб, йўлларидан қайтганлари ва митти жониворини ўз маконига элтиб қўйганлари ул зотнинг наинки инсоният, балки бутун борлиққа муҳаббати, раҳм-шафқатидан далолат эмасми?

Шу боис ул ҳазрат ёзганларки:
*Фил бўлса, агар хасминг, десангки,
зарар топмай,
Бир пашшага оламда етказма
зарар ҳаргиз.*

Яъни, душманинг фил бўлса ҳам, зиён кўрмасликини истасанг, бу оламда пашшага ҳам зарар етказмагин.

Уруш, хунрезлик, адоват сингари офатлар замон ва макон чегараларини тан олмайди. Замонлар ўтиши билан бу офатларнинг шакл-шамойили ўзгарар, аммо мазмун-моҳияти ўзгармай қолаверади. Чунки бани башарни ҳалоқатга, кулфату мусибатларга етакловчи омил ягона – НАФС. Зеро, улуг мутафаккир лутф қилганларидек:

*Беша шерин гар забун этсанг
шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда
йўқ сендин шужоғ.*

Дарҳақиқат, ўрмондаги ваҳший шерни енгиб, ер тишлатишдан кўра, ичимиздаги нафс итини бўйсундириш ҳақиқий мардлик, шижоат белгисидир. Инсон ўз нафсини тобе қилолмас экан, ер юзида низо, биродаркушлик, турли можаролар авж олаверади. Айни пайтда терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик сингари иллатлар Одам ато авлодларининг мурасасизлиги, худбинлиги, очкўзлиги ва ҳарислигининг, бир сўз билан айтганда, НАФСнинг аччиқ меваларидир, холос.

Атрофга теранроқ назар солайлик. Ҳар куни ўнлаб бегуноҳ инсонлар мақсадсиз уруш ва низолар, зиддиятлар, ҳарбий ҳаракатларнинг қурбони бўлаётди. Навоий бобомизнинг асрлар оша яшаб келаётган шох сатрлари уйғоқ руҳнинг янғроқ фарёдидек жарағлайди:

*Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир биримизгаким,
эрур ёрлиг иш.*

Кошки, донишмад шоиримиз илгари сурган ана шу ҳақиқатни бугунги кунда башариёт аҳлининг барчаси англаб етганида эди... Афсуски, ҳар тарафлама тараққий этган, инсоният илм-фаннинг энг баланд чўққиларини эгаллаётган кунда ҳам улуг ўзбек мутафаккири беш ярим аср аввал англаган ҳақиқатни тушунгани йўқ. Акс ҳолда, бугун дунёнинг турли нуқталарида урушлар, хунрезликлар тўхтаган, халқлар ўртасидаги адоватли можаролар барҳам тошган бўларди.

Навоий ўз даврида ана шундай қирғинларнинг олдини олишга, мамлакатда тинчлик-осойишталик ҳукм суришига ўзининг беқиёс ҳиссасини кўшди. Бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлиб, жуда кўплаб маданий-маиший иншоотлар, мактаб ва мадрасалар, ҳаммом, шифохоналар, кўприклар қуришга бош-қош бўлган.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида «Амири кабир» – буюк амир лавозимида фаолият кўрсатган Алишер Навоий ундан эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланган.

Мамлакат пойтахти – Ҳирот бу даврда ниҳоятда кўркамлашди, халқ турмуши яхшиланди, шеърят, нафис санъатлар ривож олди. Талабалар учун «Ихлосия» мадрасаси, дарвешлар учун «Халосия» хонақоҳи, беморлар учун

доим ўз манфаатидан устун қўйган-ликлари ортиқча эътирофга муҳтож эмас.

*Юз жафо қилса манга, бир қатла
фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла
фарёд айламон.*

Ушбу байтда ҳам софлик, самимият ва халқпарварлик яққол намоёнидир.

Бугун биз илм-фан, техника, ахборот технологиялари юксак даражада ривожланган бир даврда яшаймиз. Бу замон ҳар биримиздан маънавийтимиз, миллий қиёфамиз, қадриятларимизни турли ёт таъсирлардан ҳимоялаш, хусусан, ёшларимизнинг онгини турфа иллатлардан асраш, уларни Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашни тақозо этади.

Навоий асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётди. Бу асарларда илгари сурилган шарқона одоб-ахлоқ, ибод ва ҳаё, ор-номус, мардлик, жасорат, Ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат, меҳру муҳаббат ғоялари бизнинг замонамизда ҳам долзарблигига қолмоқда.

Улуг мутафаккирлар бутун олам аслида инсоният билан гўзал эканини таъкидлайди. Шу боис ҳар бир инсон сайёрамизни имкон қадар обод этиши, бузғунчилик билан эмас, бунёдкорлик, яратувчанликлар билан унинг фаровонлигини, осойишталигини таъминлаши лозим:

*То бани Одам ила олам эрур,
Олам ичинда бани Одам эрур.
Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.*

Алишер Навоий ўзининг олтимиш йиллик умри давомида мангуликка татигулик ишларни амалга оширди. Ўлмас асарлар битди, она тилимизнинг шўхратини, беқиёс гўзаллиги ва нафосатини яққол намоён этди. Умри давомида эл-юрт ғами, қувонч ва ташвишлари билан яшади, инсониятни ўзидан яхши ном қолдиришга даъват этди.

Замонлар, давру давронлар ўтавереди. Лекин Алишер Навоийдек буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий хазиналар асрлар суронига бардош бериб, янада сайқал топиб, кадр-қиммати ошиб бораверади. Биз эса Навоий бобомизнинг номи билангина фахрланиб қолмасдан, ана шу хазинадан баҳраманд бўлиб яшамогимиз керак. Зеро, Навоийни англаган эл саодатга эришмоғи муқаррар.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.**



«Шифония» шифохонаси, қироатхона («Дор ул хуффоэ») қурилди. Ҳиротда яна «Низомия», Марвада «Хусравия» ва бошқа мадрасалар барпо этилди.

Навоий нафақат мадраса, шифохоналар қурдирди, балки, уларни керакли даражада жиҳозлаш, ўзини-ўзи таъминлаш учун вақф ерлар ажратиб бериш, мударрислар, табиблар ва бошқа ходимлар билан таъминлаш, уларга ойлик маош, озуқа, кийим-бош белгилашгача, талабалар нафақаси ва китобларигача, барча-барчасини мукаммал бошқариб, ташкил этиб берар эди. Ўзи доимо хабар олиб, назорат қилиб туришни ҳам унутмасди. Бинолар қурилиши тарҳи билан бевосита шугулланар, уста ва шогирдлар меҳнатидан бохабар бўлиб турарди.

Навоийнинг нақадар халқпарвар бўлгани, эл-юрт манфаатларини ҳар

«БЕГОНА БАҲОР» МЕНГА БЕГОНА ЭМАС

Кимнингдир кўнгил бўстонига бўйлаш, дилидаги гапларни мукамал билиш мумкинми? Юракнинг сувратини-чи, унинг чизгилари қандай? Ҳа, тўғри айтдингиз, барини нигоҳидан укса, кўздан кўрса бўлади. Зеро, кўзлар алдамайди. Ахир, улар кўнгил ойнаси-ку!

Бу галги суҳбатдошимизнинг ҳам нигоҳлари самимий, беғубор, юрагига энг покиза ҳиссиётлар нақшланган, десак, муболага бўлмайди. «Шухрат» медали соҳибаси, истеъдодли актриса Наргиза АБДУЛЛАЕВА билан ҳамсуҳбат бўлгач, хуштабиат, тароватли бир оламга бўйлагандек сездим ўзимни. Тиниқ фикрли, камтарин ва чин маънодаги гўзал бу аёлнинг дилидаги гапларни сизга ҳам илдиндик.

– **Ташкент шаҳрида, оддий ишчи оиласида туғилганман.** Пойтахтимиздаги 63-умумий ўрта таълим мактабда таҳсил олганман. Айрим сабабларга кўра, олий ўқув юртида ўқиш менга nasib этмади. Тикувчилик, компьютер саводхонлиги курсларига қатнаганман.

Санъатга болалигимдан қизиқардим. Аммо бу мафтункор оламга кириш мен учун етиб бўлмас оруздек кўринарди. Баъзи машҳур санъаткорлар бу оламга қутилмаган тасодиф туфайли кириб келганини айтишса, уларга ҳавасим келарди. Менинг ҳам ҳаётимда қачондир ана шундай қутилмаган воқеа содир бўлади-ю, орзуларим рўёбга чиқади, деб ишонардим, кутардим.

Телевидениега илк бор дугонам билан келганман. У «Чархпалак» телесериалидаги «Бувижон», яъни Зулхумор роли учун кастингга қақирилган эди. Дугонам мени ташқарида қолдириб, ўзи кириб кетди. Ҳафсалам пир бўлди, телевидениега кириш ҳам, кастингни томоша қилиш ҳам nasib этмади, деб кўнглим чўкиб қолди.

Лекин ният холис экан, мен кутган, ишонган тасодиф шу кунни рўй берди. Дугонамнинг чиқишини метро бекати ёнида кутиб турардим. Нарироқда кимдир менга синчков қараб турганини сезиб, ўзимни ноқулай ҳис этдим. Ёнимга келиб ўзини Акмал ака деб таништираган бу инсон айнан ўша «Чархпалак» телесериалининг оператори экан. «Негадир Бувижон ролида сизни кўряпман. Хоҳлайсизми, сизни ҳам синовдан ўтказамиз?» деб қолди. 63-рақам билан навбатга ёзилдим...

«Бувижон», яъни Зулхумор менинг илк дебют ролим. Ундан кейин яна бошқа кўплаб роллар ижро этган бўлсам-да, мухлислар қалбидан барибир шу образни алоҳида ўрин олган. Ҳалигача мени «Бувижон» деб қақирадиганлар кўп.

рийни тутқазди. Сценарийни ўқиб, беихтиёр кўзларимга ёш қуйилиб келаверди. Уша кезлари биринчи оилам бузилган, руҳиятимдаги тушкунлик сабаб туйғуларим остин-устун бўлиб кетганди. Бу сценарий ҳали битиб улгурмаган юрак жароҳатимни тирнаб юборди. Эртаси кун оилавий шароитим туфайли Москвага учиб кетишим керак эди, қолишнинг сира иложи йўқ. Режиссёр эса суратга олиш ишларини кечиктира олмаслигини айтди. Негадир сце-

юзасидан тўйларга борса, аёллар норози қиёфада қарашар, баъзилари шартта бориб аччиқ гаплар айтишар экан. Ҳатто бир онахон: «Номард эркак оилани бузида», деб қаттиқ койганини айтиб берганди. Бу ҳам биз шунчаки роль ўйнамай, қахрамонлар ҳаётини яшаганимиздан дарак беради, деб ўйлайман.

Эл таниган инсонларнинг шахсий ҳаёти мухлислар учун доимо қизиқ. Биз ҳақимизда кўп маълумотларни билишни хоҳла-



нарийни қайтиб бергим келмай, кўксимга босганча ўзим билан олиб кетдим...

«Ниятинг йўлдошинг бўлади, ниятни яхши қил», деб кўп айтидилар онам. Мен бунга яна бир карра амин бўлдим. Сафардан қайтсам, «Бегона баҳор» фильмининг суратга олиш ишлари ҳали бошланмаган, қувонарлиси, келин ролига мос актриса ҳам тасдиқдан ўтмаган экан. Роль ўзимга nasib этди.

Энг муҳими, «Бегона баҳор» менга бегона эмас эди. Мен унда ўзимни ўйнадим. Қолаверса, ролинг муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан партнёрга боғлиқ,

шадди. Аммо айрим машҳур кишилар оилавий шароитларини сир туттишади. Мен мухлисларимдан ҳеч нарсани аширмайман. Биринчи турмушим бузилишида кимнидир айблаш ниятидан йироқман. Лекин оиладан воз кечиб, санъатни танлаган аёл эмасман. Худога шукр, ҳар иккимиз ҳам ўз йўлимизни топиб кетдик, чин бахтимизга эришдик, деб бемалол айта оламан. Турмуш ўртоғим жуда яхши инсон. Кўнглимни ҳам, касбимни ҳам тушунади. Икки нафар фарзандимиз бор: ўғлим – Муҳаммад-солиҳ, қизим – Района.

Бахт... Асли бу кўнгил хотир-



«Бегона баҳор» фильмига таклиф шу телесериалдан сўнг бўлган. Бир кун телевидение йўлагига режиссёр Иброҳим Расуловни учратиб қолдим. «Кўришиб қолганимиз яхши бўлди, сизни излаётганим ўзи. Оилавий муносабатлар ҳақида бир кино суратга олмақчи эдик, келин ролига сизни таклиф қилмоқчиман. Мана бунини ўқиб чиқинг», деб кўлимга киносцена-

албатта. Хонанда Анвар Собиров билан бир-биримизни тушуниб, тўлдириб ўйнадик.

Жабрдийда келин роли мени халққа янада яқин қилди. Ҳатто тўй-ҳашамларда ёши улуг онахонлар юз-кўзимдан ўпиб, «Анваржонни туппа-тузук бола, деса, сизни дўппослаб урди-я», деб росмана ачинишган. Мени-ку томошабинлар севишиди, аммо Анвар акани-чи? Хизмат

жамлиги. Бахтни бойлик билан ўлчайдиганларни кўрсам, хафа бўлиб кетаман. Биринчи турмушимнинг дарз кетишига ҳам, очиги, бахтни мол-давлатда деб биладиган инсонларнинг майда гаплари сабаб бўлган. Бу мен учун яшигини сабоқ бўлди.

Яхшиям кўз ёшлар бор... Ҳаётимиз фақат қўшли кунлардан иборат эмас, гоҳо қорли, ёмғирли кунлари ҳам бўлиб ту-



ради. Бундай пайтларда тушкун кайфиятим билан атрофимдагиларга таъсир ўтказишни истамайман. Хонамда кўнглимга яқин мумтоз қўшиқлардан бирини тинглаб, тўйиб-тўйиб йиғлайман. Кўз ёшларим билан кўнглимдаги гашликни тарқатиб юборишга ҳаракат қиламан. Кейин кўзгуга қараб: «Олдинга интилиш керак, фақат олдинга!» деб ўзимга ўзим куч, шижоат бераман.

«Нега фақат ижобий қахрамонларни гавдалантирасиз, салбий ролларда ҳам ўзингизни синиб кўрмайсизми?» деб кўп сўрашади. Очиги, салбий ролга камдан-кам таклиф бўлган. Шунда ҳам мен ўйлаб ўтирмаёқ рад этганман. Биласизми, ҳаётда айрим «ниқобли» инсонлардан шу даражада кўп панд еганманки, томошабинни ўша салбий ролларим орқали ҳам кўнглини хира қилгим, дилини оғритгим келмайди...

Ички ишлар органлари ходими ролини ўйнаш энг катта орзуларимдан бири. Айниқса, хизмат кийимига жуда ҳавас қиламан. Елкаси узра порлаб турган юлдўзчаларга қанчадан-қанча меҳнат эвазига эришганини сизу биз тасаввур қила олармикинми? Йўқ, назаримда. Халқ осийшталлигини таъминлаш йўлидаги машаққатли, олижаноб ва фидокорона меҳнатлари доимо юксак қадрга муносиб.

Сир эмас... Баъзан масъулиятсиз ички ишлар органлари ходимлари ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимизга чалиниб қолади. Касбнинг ёмони бўлмайди, лаёқатсиз одам бўлади, холос. Уни ҳар қанча мажбурлаб бирор ишга йўналтирманг, касбга меҳри бўлмаса, барибир «хунар» кўрсатади.

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Маҳалламиздаги профилактика инспекторига фарибгарнинг тузоғига тушиб қолганимни айтиб, ёрдам беришини сўраб мурожаат қилдим. «Хўп, ҳал қиламиз», деди ҳафсаласиз инспектор. Лекин орадан бир неча кун ўтса ҳам, бирор янгилик бўлавермади. Ахийри, яна унинг идорасига бордим. Тагин ўша гап: «Ҳал қиламиз». Ходимнинг бепарволиги, масъулиятсизлиги гашимни келтирди. Бор аразу гинамни тўкиб солдим. Кейин ҳаракатга тушиб қолдим, билмадим, бир неча кун ичида фарибгар кўлга олинди. Маҳалла – жамиятнинг асосий муҳим бўғини. Шу боис профилактика инспектори тажрибали, фидоий, ўз касбини севадиган ходимлар орасидан тайинланиши кераклигини ўшанда тушуниб етгандим.

Айнан бир-икки ходим орқали бутун тизимга салбий баҳо бериш нотўғри, албатта. Мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятли вазифаларни сидқидилдан адо этиб келаётган жуда кўплаб жонқуяр ходимлар бор. Айримлари жамиятимиз фаҳрига ҳам айланаб кетган, деса, муболага бўлмайди.

Азиз ички ишлар органлари ходимлари! Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли вазифаларни адо этишда улкан утуқлар тилайман.

«Postda» мухбири
Адолат ФАЙЗИЕВА
ёзиб олди.



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

«УМОМ СВОИМ БЛАГОУСТРАИВАЙ ВСЕЛЕННУЮ»

Поистине щедра земля узбекская на великих людей, которых она явила миру. Среди выдающихся деятелей прошлых веков, оставивших бесценное наследие потомкам, – Алишер Навои, нетленные произведения которого, словно путеводная звезда Вселенной, ярко освещают нам путь

9 февраля – день рождения славного сына узбекского народа Алишера Навои. Эта дата ежегодно широко отмечается во всех городах и регионах страны. В Ташкенте, как обычно, в этот день почитатели поэта соберутся у подножия величественного памятника Алишеру Навои, что находится на территории Национального парка Узбекистана, носящего его имя, чтобы отдать дань уважения великому предку.

Алишер Навои в мировой культуре оставил яркий след как великий поэт, государственный деятель.


Венгерский востоковед, путешественник Арминий Вамбери, в 1863 году побывавший в Центральной Азии, писал об Алишере Навои: «Величайший узбекский поэт Навои известен всем и каждому».

В мировой историографии Алишер Навои определяется как узбекский поэт, мыслитель и государственный деятель.

Навои оказывал протекцию и материально поддерживал ученых, мыслителей, художников, музыкантов, поэтов и каллиграфов. При нем в Герате формируется кружок ученых и творческих людей, в который в числе прочих входили он сам, Джами, султан, писавший стихи под псевдонимом Хусайни, историки Мирхонд, Хондамир, Васифи, Давлятшах Самарканди, художник Камолиддин Бехзод, архитектор Кавам-ад-дин. По инициативе Навои и под его руководством в Герате велось строительство: на берегу канала Инджил были возведены медресе, библиотека, больница.

Творческое наследие Алишера Навои огромно и многогранно: оно включает в себя около 30 крупных произведений – сборников стихов (диванов), поэм (дастанов), философских и научных трактатов. Опираясь на многовековые культурные традиции мусульманских народов, Алишер Навои создает свои оригинальные произведения.

«Сокровищница мыслей» – поэтический свод, составленный поэтом в 1498–1499 годах по хронологическому принципу и включающий четыре дивана, соответствующих четырем периодам жизни поэта: «Диковины детства», «Редкости юности»,



«Диковины средних лет», «Назидания старости». Стихи относятся к разным лирическим жанрам, среди которых особенно многочисленны газели (более 2600).

Одной из главных своих задач Навои считал развитие литературного узбекского языка. Именно в лирике он достиг вершин художественной выразительности: его газели поражают филигранной отделкой деталей. Благодаря лирике Навои, фарси утрачивает статус единственного литературного языка.

Поэт составил также так называемый «Диван Фани» – сборник лирических стихов на фарси.


«Сорок хадисов» («Арбаин кирк хадис») – произведение другого типа. Это 40 четверостиший на тюркском языке, написанных на темы хадисов пророка Мухаммада. Основой



сочинения послужило одноименное сочинение Джами на языке фарси (в сущности, произведение Навои представляет собой вольный перевод).

Свои произведения на персидском языке Навои собрал в два сборника – «Шесть необходимостей» и «Четыре сезона года».

Вершина творчества Навои – знаменитая «Хамса», включающая в себя пять эпических поэм: дидактическую «Смятение праведных» и сюжетные героические дастаны «Лейли и Меджнун», «Фархад и Ширин», «Семь планет», «Стена Искандера».



«Пятерица» представляет собой ответ на «Пятерицу» Низами Гянджеви и индо-персидского поэта Амира Хосрова Дехлеви. Навои воспроизводит сюжеты их сочинений, некоторые формальные особенности, однако зачастую дает иное толкование тематики и сюжетных ситуаций, новую трактовку событий и образов.

На закате жизни Алишер Навои пишет аллегорическую поэму «Язык птиц» и философско-аллегорический трактат «Возлюбленный сердец», посвященный наилучшему устройству общества. В книге осуждаются жестокие, невежественные и аморальные правители и утверждается идея централизации власти в руках справедливого просвещенного правителя. Всю свою жизнь Алишер Навои комбинировал литературные деяния с политическими. Будучи человеком высокого положения, он внес значительный вклад в усовершенствование социально-экономической жизни страны; покровительствовал наукам, искусству и литературе, пытался установить мир и гармонию.

Творчество Алишера Навои по сегодняшний день вызывает интерес во всем мире, о чем свидетельствуют переводы произведений великого поэта на английский, французский, немецкий и многие другие языки. Поклонников литературы привлекают глубокая философия его творчества, богатые метафоры, разнообразие поэтических образов. Иными словами, секрет немеркнувшей славы произведений

Навои заключается именно в их высоком художественном уровне.

В годы независимости в Узбекистане уделяется особое внимание подробному исследованию творчества поэта, публикации его трудов. Издано полное собрание сочинений поэта в двадцати томах. За минувший период в стране и за рубежом были воздвигнуты многочисленные величественные памятники нашему предку. Проведено большое количество международных конференций, посвященных творчеству Алишера Навои, как в республике, так и в таких

государствах, как Франция, Бельгия, Япония, Россия, США, Германия, Казахстан и многих других.

Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент «На посту».



Работа продолжается

На страницах нашей газеты освещается деятельность секторов по социально-экономическому развитию регионов. На этот раз в центре внимания деятельность сотрудников третьего сектора по социально-экономическому развитию Бостанлыкского района Ташкентской области, которые за прошлый год провели системную работу по повышению качества жизни населения, созданию новых рабочих мест, благоустройству махаллей, оказанию помощи малообеспеченным семьям

В третьем секторе, которым руководит начальник Бостанлыкского РОВД подполковник И. Рашидов, имеется 13 махаллинских сходов граждан, где проживает более 39 тысяч человек. Члены рабочей группы стараются оказывать адресную помощь малоимущим семьям, одиноким и инвалидам, решать проблемы, связанные с бесперебойной подачей электроэнергии, газа, питьевой воды.

Так, за истекший период прошлого года были проведены беседы с жителями 8 690 домов. Представители рабочей группы 3-го сектора в день обходили более 90 семей. В результате выявлено 1 747 проблем, 1 728 из которых решены положительно, а 19 обращений включены в «дорожную карту» и взяты на контроль руководителем сектора.

Подполковник И. Рашидов регулярно проводит выездные приемы, выслушивает проблемы и пожелания населения района. С начала 2019 года под его руководством было проведено 32 выездных приема, поступило 650 обращений граждан, из которых



597 были решены на месте, по 53 – даны соответствующие консультации.

На территории сектора имелись 38 малообеспеченных семей, которым рабочая группа совместно со спонсорскими организациями оказала материальную помощь. 28 из них получили льготные кредиты для ведения надомного бизнеса, некоторые члены семей были трудоустроены. Таким образом, при поддержке 3-го сектора эти семьи улучшили

условия жизни. Кроме того, 19 семьям, нуждающимся в социальной защите и имеющим инвалидов, были переданы инвалидные коляски.

В селе Хондойлик махалли Куктули проживает А. Алимова. Ее дочь, Умида, инвалид I группы с рождения. В ходе подворовых обходов члены рабочей группы обнаружили, что дом Алимовых пришел в непригодное состояние. С помощью спонсоров на земельном участке, где



«Стремись не к тому, чтобы добиться успеха, а к тому, чтобы твоя жизнь имела смысл».

«В рейтинге Всемирного банка «Ведение бизнеса» мы поднялись на 7 позиций, заняли 8-е место среди 190 государств по показателю регистрации бизнеса, вошли в число лучших стран-реформаторов.

Мы ввели безвизовый режим для граждан 86 государств и упрощенный визовый режим для граждан 57 государств. В том числе благодаря этому в прошлом году нашу страну посетили 6,7 миллиона иностранных туристов – на 4,7 миллиона, или в 3,3 раза, больше, чем в 2016 году».

(Из Послания Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису.)



проживает семья, начаты работы по строительству нового дома.

По инициативе руководителя сектора жительнице махалли Толеби, инвалиду I группы Г. Исмаиловой была оказана практическая помощь в получении льготного направления в лечебно-оздоровительный комплекс г. Чирчика. Еще одного жителя данной махалли, Р. Уринбоева, имеющего проблемы со здоровьем, при спонсорской поддержке положили на лечение в медучреждение.

Была полностью обновлена кровля здания общеобразовательной школы № 10, расположенной в селе Хондайлик, а в школе № 12, по инициативе начальника Бостанлыкского РОВД подполковника И. Рашидова совместно со спонсорами, заменены трубы отопительной системы, пришедшей в негодность.

В целях бесперебойного обеспечения бытовым газом были реконструированы 17 газораспределительных пунктов из 99 имеющихся. В течение прошлого года провели бытовую газ в 108 домов, а семьи, проживающие в горной местности Бостанлыкского района, в зимний период обеспечили газовыми баллонами с сжиженным газом.

Жители махаллей Талпин и Богчаовул жаловались на перебои с подачей питьевой воды. Оказалось, что проблема возникла из-за прохудившихся труб. В результате про-

ложили 3000 метров новых труб, и 300 домов в махалле Талпин и 120 домов в махалле Богчаовул обеспечили питьевой водой.

Согласно программе «Обод кишлок», в трех махаллях – Алгабас, Барраж и Коронкул, расположенных на территории 3-го сектора Бостанлыкского района, реализуется последовательная работа по ремонту дорог, строительству социальных объектов, благоустройству территории. К примеру, в махалле Барраж имелись проблемы с дорогами, тротуарами и уличным освещением. За истекший период засыпали щебнем и заасфальтировали более 3 км дорог, отремонтировали тротуары, на уличных фонари установили диодные лампы.

В результате широкомасштабных профилактических мероприятий, проводимых в рамках дня профилактики правонарушений с участием местных органов самоуправления граждан и представителей общественности, снизилось количество преступлений, совершаемых подростками и женщинами и ранее судимыми.


Несмотря на все предпринимаемые меры, есть немало работы в области профилактики правонарушений, требующей еще больших усилий. Деятельность в этом направлении продолжается.

Азиза
АГЗАМХОДЖАЕВА,
корреспондент
«На посту».

Альберт Эйнштейн.

МАНСАБДОРЛАР ДАРОМАДИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШИ ШАРТ

Японияда коррупцияга қарши курашиш бўйича ягона қонун ҳужжати йўқ. Бу борадаги қоидалар «Жамоатчи мансабдор шахсларни сайлаш тўғрисида»ги, «Парламент тўғрисида»ги, «Сиёсий фондларни бошқариш тўғрисида»ги, «Давлат хизматчилари тўғрисида»ги, «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонунларда ўз аксини топган. Мазкур қонунлар, қоидаларнинг таъсирчанлигидан келиб чиқиб, янгиланиб боради. Шу сабабли улар ўтган асрнинг ўрталарида қабул қилинганига қарамай, ҳамон ўз кучи ва долзарблигини сақлаб келмоқда.



Коррупцияга қарши қонунчилик объектига икки тоифадаги шахслар кирилади. Биринчи тоифага мансуб шахслар сиёсатчилар, яъни депутатлардир. Губернаторлар, шаҳар ҳокимларини ҳам шу тоифага киритиш мумкин. Иккинчи тоифадагилар ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият хизматчиларидан иборат.

Мамлакатда мансабдор шахснинг компаниялар кенгашлари аъзоси бўлиши, савдо, саноат ва молия соҳаларида фойда кўриш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланиши тақиқланади. Амалдор истеъфога чиққанидан кейин ҳам икки йилгача сўнгги беш йил давомида назорат қилган соҳасидаги тижорат корхоналарида раҳбарлик лавозимлари-

ни эгаллаши мумкин эмас.

Сайлов кампанияларининг молиялаштирилиши қаттиқ назорат қилинади. Қонун номзодлардан пул маблағларининг тушуми ва сарфининг аниқ ҳисоботини юриштириш талаб этади. Уларга давлат билан шартнома асосида ишловчи корхоналардан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек, ўзига бевосита алоқадор бўлган компаниялардан маблағ олиш тақиқланади.

«Сиёсий фондларни бошқариш тўғрисида»ги қонун партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотларни молиялаштиришни тартибга солади. Ҳар йили сиёсий партияларнинг молиявий аҳволи ҳақидаги

маърузалар чоп этиб борилади. Молиялаштириш борасида коррупция ҳолатининг олдини олишга қаратилган қатор қоидалар мавжуд. Қонунни бузганлар жаримага тортилиши, қамалиши ёки 5 йилга сайловларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Мамлакатнинг Жиноят кодексидagi 25-боб коррупция билан боғлиқ жиноятларга бағишланган. Унга кўра, нафақат пора олиш, балки мансабдор шахсни пора олишга фаол ундаш, яъни «сотиб олиш»га ҳаракат қилиш учун ҳам уч йилгача қамоқ ёки жарима жазоси кўзда тутилган. Бировни порахўрликда асоссиз айблаш мақсадида ёлғон маълумот берган шахс ҳам жазосиз қолмайди. Мансаб ваколатини суиистеъмол

қилган давлат хизматчилари уч ойдан ўн йилгача муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

2000 йил ноябрида қабул қилинган қонунга кўра, сиёсатчилар манфаатдор шахсдан моддий рағбат кўриш эвазига, унинг учун фойдали қарор чиқаришга давлат ёки маҳаллий ҳокимият хизматчиларини мажбурласа, ушбу қилмишлари учун бир йилгача қамалади ёки 2,5 миллион йен миқдорда жаримага тортилади.

Япония Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, уларнинг оила аъзолари, губернаторлар ва бошқа мансабдор шахслар даромадлари, моддий аҳволи ҳақида декларация тўлдириши шарт. Шу тариқа, кенг жамоатчилик назорати остида бўлади.

Қадрлар сиёсатининг тўғри йўлга қўйилгани ҳам коррупцияга қарши курашда ўз самарасини бераяпти. Давлат хизматчилари ишлари бўйича кенгаш уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Ушбу комиссия Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдор бўлиб, ҳукумат раҳбари томонидан парламентнинг ҳар икки палатаси билан келишилган ҳолда шакллантирилади.

Давлат хизматчилари юз берадиган турли сиёсий ўзгаришларга қарамай, ўз жойидан айрилиб қолмайди. Агар қўпол хатоликларга йўл қўймаса, ишчанлик қобилиятига мос равишда мансаб пиллапояларидан юқорилаб боради.


Давлат ва маҳаллий ҳокимият вакиллари хусусий сектор ходимлари билан солиштиришда, ўзини моддий

жиҳатдан камситилган ҳис этмайди. Хизматчилар ишлари бўйича кенгаш ҳар йили парламентга ва ҳукуматга меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги тенденциялар бўйича ахборот бериб боради.

2000 йилнинг апрелидан Японияда «Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқи тўғрисида»ги қонун кучга кирган. Ушбу қонун хизматчиларга ўзлари алоқадор бўлган соҳадаги тадбиркорлардан совғалар олишни тақиқлаш ва чеклашларни назарда тутди. Бўлим бошлигининг ёрдамчиси ва ундан юқори турувчи амалдорлар ҳар чорракда вазирлик ёки бошқарма раҳбарига тадбиркорлардан 5 минг йен ва ундан қиммат турадиган қандай совғалар олганлиги тўғрисида ахборот бериб туриши лозим. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганларга нисбатан огоҳлантириш, маошини камайтириш, вазифасидан вақтинча четлатиш, ишдан бўшатиш каби маъмурий чоралар кўрилади.

Япония тажрибаси коррупцияга қарши курашишда бутун мамлакат бўйлаб бир хил талқин этиладиган қонун ҳужжатларига, жамоатчилик назоратига таянилса ва ушбу иллатга нисбатан мурасасизлик муҳити яратилса, яхши натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ушбу мамлакат коррупцияга қарши курашиш рейтингда ҳар йили дунё миқёсида юқори ўринлардан бирини эгаллаб келаётгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



КОРОНАВИРУС ҚАНДАЙ ХАСТАЛИК УНИНГ БЕЛГИЛАРИНИ БИЛИШ МУМКИНМИ?

Айрим давлатларда тарқалган коронавирус касаллиги ҳақида интернет хабарлари дунё аҳлини ваҳимага солаётганини инкор қилиб бўлмайди. Бу янги вирус юртимизга тарқалмаслиги учун соҳа мутахассислари туну кун зарур чораларни кўришмоқда.

ИИБ Тиббиёт бошқармаси Санитария-эпидемиология нazorати бош маркази бошлиғи, подполковник Азимжон Махаматов билан мусохабамиз ҳам айнан шу мавзуга қаратилди.

— Азимжон Ниғматжонович, суҳбатимиз аввалида ўта хавфли ва юқумли касалликларга қарши юртимизда қандай чоралар кўриляётгани ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу борада республикаимиз соғлиқни сақлаш тизимида узоққа мўлжалланган аниқ режалар ишлаб чиқилган ва шу асосда фаолият олиб бориляпти. Масалан, амалга оширилаётган профилактик ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар туфайли ўтган йили ўлат, вабо, сарик, иситма, эбола, парранда гриппи, карантин каби ўта хавфли хасталиклар бўйича эпидемик барқарорлик таъминланди.

Комплекс тадбирлар самарали қўлланилгани боис ўтган йилда 2018 йилга нисбатан ичтерлама касаллиги 3,5 мартага, бруцеллез 4,3 фоизга, кўкйўтал 25, сувчечак 39,7, вирусли гепатитнинг А тури 16,6 фоизга камайди. Вирусли гепатитнинг В, С турлари бўйича эса эпидемик вазият барқарорлашиб, дифтерия, қизилча, полиомиелит, қоқшол хасталиклари умуман қайд этилмади.

— Ваҳимага сабаб бўляётган коронавирус қандай хасталик, унинг манбаи

ва юқиш омилларини тез аниқлаш мумкинми?

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган расмий маълумотларига кўра, Хитой Халқ Республикасида янги типдаги коронавирус касаллиги эпидемик тус олган. Шу йилнинг 29 январь ҳолатига

Хасталикнинг асосий манбаи ва юқиш омиллари ёввойи ҳамда уй ҳайвонлари, шунингдек, бемор одам бўлиб, юқиш йўли ҳаво-томчи орқалидир. Айтиш жоизки, бу касалликка қарши бугунги кунда вакциналар ишлаб чиқилмаган. Юқтириш ҳолатлари тиббиёт ходимлари ва беморларнинг оила аъзолари ўртасида кузатилган. Барча ҳолатларда инфекция бемор билан яқин мулоқотда бўлган шахсларда кузатиляпти.

— Бу хасталикнинг клиникаси қандай?

— Коронавируснинг белгилари грипп ва кўплаб ўткир

Алишер ШОДМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир:

— Коронавирус бўйича юзага келган мураккаб эпидемик вазият дунё миқёсида хавотирли тус олмоқда. Ривожланган давлатлар, жумладан, Япония, Жанубий Корея, Таиланд, Вьетнам, Сингапур, Тайван, Франция ва АҚШда ҳам ушбу вирус аниқланган. Эпидемик вазиятга қарши юртимизда барча зарур чоралар кўриломоқда. Хусусан, ҳаво, автомобиль ва темир йўл транспорти объектларида санитария-эпидемиология ва миграция нazorати кучайтирилмоқда. Хитойдан қайтаётган фуқароларга тиббий нazorат ўрнатилган. Аммо бу хавфсизлиكنи тўлиқ кафолатлайди, дегани эмас. Негаки, коронавирус инфекцияси ҳаво томчилари орқали ўтиши, инсондан инсонга юқиши, шунингдек, касалликнинг яширин даври 1–14 кунгача кечиши жиддий хавотир уйғотмоқда. Шу боис фуқароларимиздан Хитойга, зарурат бўлмаганда, бошқа хорижий давлатларга ҳам вақтинчалик бормаслиқни тавсия қиламан.

Хитойда вирусни юқтирганлар сони 6 мингдан кўпроқни ташкил қилиб, касалликдан вафот этганлар сони эса 130 нафардан ошди. Эндиликда у Таиланд, АҚШ, Япония ҳамда Жанубий Корея ва яна бошқа бир қанча давлатларда ҳам тарқалгани рўйхатга олинган.

респираторлар инфекцияларига ўхшаш. Касаллик одатда тана ҳарорати кўтарилиши, лоҳаслик, юқори нафас йўллари шиллик қаватининг шамоллаши, йўтал билан бошланади. Коронавируснинг янги тури кўпинча ўрта оғир ҳолатда кечади. Бу жараёнда



ўзини ўзи ташхислаш ҳамда даволаш ўта хавфлидир.

— Кўплаб давлатларда бу хасталик кенг тарқалаётган бир пайтда республикаимизда унинг олдини олиш бўйича қандай профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилди?

— Коронавируснинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эпидемияга қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Республика штаби ташкил қилинган. Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва кўшни давлатларнинг санитария-эпидемиология хизматлари ўртасида кунлик тезкор мулоқот ва маълумотлар алмашиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, эпидемик вазиятнинг мураккаблашгани сабабли ССВ СЭО агентлиги, «Uzbekistan Airports», «Ўзбекистон темир йўллари» орқали қатновчи йўловчилар ўртасида Хитой давлатидан ташриф буяраётган фуқароларнинг тиббий кузатуви кучайтирилди. И. Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида эса тепловизорларнинг мунтазам ишлаши таъминланди.

Хитойнинг Пекин, Урумчи, Синьян ва Чангду шаҳарларидан Тошкент шаҳрига ҳар кун 2 тагача, ҳафтада эса 13 та рейс мавжудлигини ҳисобга олиб, авиайўловчиларнинг барчаси термометриядан ўтказилиши кучайтирилган.

— Четдан келаётган фуқаролар орасида ана шу хасталикка чалинган ёки касаллик юқтирилганлиги гумон қилинса, у бошқаларга ўтмаслиги учун республикаимизда қандай чоралар кўрилади?

— Улар орасидан шундай ҳолатга тушгани гумон қилинса, изоляциялаш ва зарур таъхис ишларини ўтказиш учун Вирусология илмий текшириш институти клиникасида 8 та махсус бокс-палата тайёрлаб қўйилган. Шу билан бирга, агентликнинг вирусология лабораториясида ҳам диагностика захираси яратилди.

Беморлар билан мулоқотда бўлганлар учун Тошкент шаҳрининг юқумли касалликлар шифохоналарида 300 ўринга мўлжалланган изоляторлар тайёрланиб, вирусга қарши дори-дармон, тиббий анжомлар, дезинфекцияловчи воситалар мавжуд.

— Касалликни даволашда кўра, унинг олдини олиш энг яхши самара, дейишади. Бу жиҳатдан нималарга эътибор беришни тавсия қилган бўлардингиз.

— Аввало, мол бозорларга борувчилар, ҳайвон ёки унинг маҳсулотини билан шугулланувчилардан мунтазам равишда гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш, айниқса, ҳар бир мулоқотдан сўнг қўлларини совунлаб ювиш, номаълум ва касалланган ҳайвонлар, шунингдек, уларнинг маҳсулотлари билан мулоқот қилмаслик талаб этилади.

Шулар баробарида, пиширилмаган ва чала пиширилган гўшт ҳамда гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин. Умуман, хом гўшт, сут, ҳайвоннинг ички аъзолари сингари маҳсулотларини олганда эҳтиёт чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

«Postda» мухбири Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ суҳбатлашди.



ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИБ Халқаро аэропортларда хавфсизлиқни таъминлаш кўшинлари раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ИИБ Халқаро аэропортларда хавфсизлиқни таъминлаш кўшинлари қўмондони ўринбосари, полковник Сухроб Фаниевга волидаи муҳтарамаси **МАМУРАОЙ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИИБ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг Махсус тайёргарлик ўқув маркази Махсус-жисмоний ва психологик тайёргарлик цикли катта инструктор-ўқитувчиси, подполковник Абдимўмин Болиевга падари бузруквори **ЎРИНБОЙ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ИИБ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг Махсус тайёргарлик ўқув маркази Ветеринария таъминлаш бўлими ветеринар-фельдшер, сафдор Аброр Адилевга падари бузруквори **БАҲОДИР** отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси ички ишлар органи таянч пункти профилактика инспектори, капитан Шавкат Азамовга падари бузруквори **РЎЗИБОЙ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЗДОРОВЬЕ

ЭЛЕКТРОМАГНИТНОЕ
ИЗЛУЧЕНИЕ

Большинство современных приборов является источником электромагнитного излучения. Телефон – не исключение. Всемирная организация здравоохранения включила мобильные устройства в список канцерогенных факторов. На протяжении нескольких лет проводился эксперимент, итоги которого подтвердили, что постоянное соседство с телефоном приводит к бессоннице, раздражительности, тошноте и головокружению.

Рекомендуется не носить смартфоны близко к телу, ограничить время разговоров и не класть их ближе полутора метров от себя. Человеческий мозг особо уязвим к облучению во время сна, поэтому в ночное время телефон лучше держать подальше от кровати.

БЕССОННИЦА

Телефон способен нарушить режим сна, так как удерживает внимание владельца, которому трудно от него оторваться. Организм не может полноценно расслабиться и подготовиться ко сну.

С наступлением вечера в шишковидной железе, располагающейся в

УБИРАЕМ ТЕЛЕФОН

четыре причины, по которым нельзя оставлять мобильник на ночь на прикроватной тумбочке

На протяжении дня смартфон редко исчезает из поля зрения хозяина, а ночью обычно покоится рядом, на тумбочке. Ученые выступают против такого «единения» с цифровым помощником

головном мозге, начинается выработка мелатонина – гормона сна. Он регулирует биологические часы, контролирует качество сна и сигнализирует о том, что необходимо отдохнуть. Вследствие его выработки температура тела постепенно снижается, дыхание замедляется и выравнивается. Синий свет дисплея телефона мешает производству мелатонина (по некоторым сведениям, он снижается на 20%), из-за чего возникают проблемы с засыпанием, а сон становится прерывистым.

Регулярное отсутствие качественного отдыха приводит к снижению рационального и аналитического мышления, человек подвергается постоянным перепадам настроения. Статистика показывает, что ухудшение сна, сохраняющееся на протяжении долгого времени, является одной из причин, повышающей риск ДТП.

проверке сообщений и новостной ленты могут привести к нервозности, излишней беспокойности и даже физиологическим расстройствам в виде головокружения или боли в груди. Страх остаться без телефона получил название «номофобия», в некоторых особо запущенных случаях он требует лечения под контролем специалистов.

НАРУШЕНИЕ РАБОТЫ
МОЗГА

С появлением современных мобильных устройств обычные будильники отошли на второй план, в том числе благодаря удобной функции повтора. Теперь не нужно вскакивать по первому же сигналу, можно продлить сон на пять минут, десять, пятнадцать...

Однако ученые утверждают, что такой подъем вреден для здоровья. При пробуждении, организм начинает производить дофамин – гормон, отвечающий за активность. Он запускает все необходимые системы жизнедеятельности и позволяет включиться в рабочий день.

Но вот прозвенел будильник, человек нажал кнопку «повтор» и снова погружается в объятия Морфея. Организм перестает выработку дофамина и

продолжает синтезировать серотонин, успокаивающий и расслабляющий тело. Такие действия повторяются несколько раз, что приводит к нарушениям работы мозга в течение дня. Снижается концентрация, нарушается физическая работоспособность, появляются раздражительность и перепады настроения у любителей поспать «еще пять минуток».

Лучше вернуть на тумбочку механические часы. Это позволит выработать привычку вставать по первому сигналу и начинать свое утро с зарядом бодрости.

Влияние телефона на жизнь современного человека гораздо больше, чем кажется на первый взгляд. Но нужно хотя бы на время расставаться с гаджетами, чтобы позволить себе отдохнуть и расслабиться, ведь последствия постоянного соседства с умным помощником могут оказаться достаточно серьезными.

ПОВЫШЕНИЕ
ТРЕВОЖНОСТИ

Смартфоны влияют на психику и поведение человека. Оповещения и звонки способны прервать сон и стать источником стресса для расслабленного организма. Отсутствие «цифрового друга» в зоне видимости, невозможность удовлетворить свою потребность в

Что будет, если съесть хлеб с плесенью

(даже маленький кусочек)

Плесень – одна из древнейших форм жизни на планете. В группу этих микроорганизмов входят опасные и безопасные виды. Безвредные для человека типы плесени применяются в медицине и производстве продуктов питания. А вот остальные могут представлять серьезную опасность для нашего организма.

Плесень образуется на продуктах питания при длительном их нахождении в сырости.

Как поступать с плесневелыми продуктами

Люди, обнаружив в холодильнике продукты с плесенью, делятся на два типа: одни сразу же выбрасывают, другие, срезая поврежденные участки, употребляют их дальше.

Опасность в том, что мы видим только верхнюю часть грибка – цветной пушок. А у этого микроорганизма огромный мицелий, проникающий глубоко внутрь продукта. И заметить его без специального оборудования нельзя. Даже если вы убережете поврежденную часть, микроорганизм все равно проникнет внутрь.

Считается, что пенициллин, в отличие от других микроорганизмов, имеет черный пушок. Но не стоит пытаться самостоятельно определить его. Во-первых, всегда можно ошибиться, во-вторых, на продуктах могут быть несколько видов одновременно. Лучшее и безопасное решение – заметив темные точки на продуктах питания, сразу же выбрасывать их, а место, где они хранились, промыть слабым раствором соды.

Чем чревато употребление

Грибок, проникая в наш организм, перестает получать кислород и погибает под воз-

действием желудочного сока, но при этом успевает выделить токсины, которые могут привести к серьезным негативным последствиям. Поэтому важно внимательно осматривать продукты и помнить – чаще всего плесень появляется на мучных продуктах, например, лаваше, хлебе. Причем это может случиться через 1-2 суток после покупки, проявляясь в виде небольших черных точек, заметить которые очень сложно.

Отравление проявляется в виде тошноты, головной боли, диареи, вялости. Обнаружив у себя первые симптомы, стоит спровоцировать рвоту, что позволит максимально очистить организм от токсинов; пить много теплой воды, за счет которой почки активизируются и смогут быстрее вывести яды. Хорошо помогает при отравлении морс на основе кислых ягод.

Есть и полезные продукты с плесенью

В магазинах можно найти продукты с плесенью, которые продаются по достаточно высокой цене. Самые известные – сыры, например, Рокфор или Бри. В их составе есть большое количество полезных веществ, улучшающих состояние костной ткани, нормализующих обменные процессы. А вещества, которые выделяют белок, положительно сказываются на состоянии сердца и нервной системы.

Салаями и многие другие виды колбас тоже «обогатены» плесенью, которая не вредит, а наоборот, укрепляет защитные силы организма. Но этих продуктов немного, и вид плесени на них особый. Так что, заметив на обычном сыре грибок, его нужно выбросить, а не употреблять в пищу.

И не забывайте при любом отравлении в первую очередь обращаться к врачу.



Детская страничка

КАК МИША ХОТЕЛ ПЕРЕХИТРИТЬ МАМУ

Пришла Мишина мама после работы домой и руками всплеснула:

- Как же это ты, Мишенька, сумел у велосипеда колесо отломать?
 - Оно, мама, само отломалось.
 - А почему у тебя, Мишенька, рубашка разорвана?
 - Она, мамочка, сама разорвалась.
 - А куда твой второй башмак делся? Где ты его потерял?
 - Он, мама, сам куда-то потерялся.
- Тогда Мишина мама сказала:
- Какие они все нехорошие! Их, негодников, нужно проучить!



– А как? – спросил Миша.
 – Очень просто, – ответила мама. – Если они научились сами ломаться, сами разрываться и сами теряться, пусть научатся сами чиниться, сами зашиваться, сами находиться. А мы с тобой, Миша, дома посидим и подождем, когда они это все сделают.

Сел Миша у сломанного велосипеда, в разорванной рубашке, без башмака, и крепко задумался. Видимо, было над чем задуматься этому мальчику.

Евгений ПЕРМЯК.

Кто где живет?
Покажи домик каждого.



КОГО ВЫБРАЛИ?



Условие: Вруниш (всегда говорит неправду) и Правдиш (всегда говорит правду) решили взять для внука одного кота.

Правдиш: Рыжего брать не будем.

Вруниш: Возьмём белого.

Задание: Определи, какого же они выбрали.

Ответ: ёрньо



Кроссворд

1 по вертикали

2

3

4

5

6

7

8

9

1 по горизонтали

2

3

4

5

6

7

8

9

Юмор

ОДНАЖДЫ ВОВОЧКА...

Четырехлетний Вовочка рассказывает маме:

- Мама, сегодня в садике нас проверял врач.
- А что он проверял?
- Проверял, дышим мы или нет.

- Иван Петрович! – обращается Вовочка к учителю.
- Я не могу разобрать, что вы написали в моей тетради.
- Я написал: «Пиши разборчиво!»

Учительница вызывает Вовочку к доске. Он выходит и молчит.

- Я тебя слушаю! – говорит учительница.
- Как это? – удивляется Вовочка. – Я же ничего не говорю!


- Как дела в школе, сынок? – спрашивает отец Вовочку.
- Я с отцом двоечника не разговариваю.

Найди 7 отличий



ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

ТЕРРОРИЗМ – КЕЛАЖАККА ТАҲДИД



«Террор» сўзини эшитганда инсон хавотир ва кўрқувни ҳис қилиши табиий ҳол. Чунки унинг ортида хунрезлик, фожиалар, фалокатлар яширинган. Бугунги кун террорчилари учун душман аниқ тоифага ажралмаган, улар барчага душман. Шу боис бу кимсаларнинг қилмиши туфайли мутлақо беайб инсонларнинг ҳалок бўлиши уларни заррача афсуслантирмайди. Террорчилар учун воқеликнинг ўзи эмас, балки террорчилик ҳаракати натижаси ўлароқ, акс-садо, шов-шувнинг қанчалик кучлилиги муҳим.

Террорнинг самарали усуллари ҳоқимият вакилларига эмас, балки ҳимоясиз, тинч аҳолига нисбатан куч ишлатиш ҳамда унинг ҳалокатли оқибатларини оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик эътиборига намойиш этишда ўз ифодасини топади. Бунинг натижасида юзага келадиган шов-шувли таҳлика террорчиларнинг асосий мақсадидир. Шу сабабли бугунги терроризм ва экстремизм учун жанг майдони ахборот-коммуникация воситалари, асосан телевидение ва интернет ҳисобланади.

Шу жиҳатдан, интернет «нафратнинг виртуал жамоаси»ни юзага келтирди. Маълумки, экстремизм – қўйилган мақсадларга радикал усуллар, жумладан, терроризм, оммавий тартибсизликлар, одамларни гаров сифатида ушлаш ва бошқа жамиятда кескин норозилик юзага келтирувчи ғайриқонуний ҳаракатлардан фойдаланиш орқали эришиш воситасидир.

Эътибор қаратиш лозим бўлган масалалардан яна бири жангари фильмлар бўлиб, улар ёшларда шафқатсизлик, зўравонлик ҳамда кўрганларини амалда қўллаш иста-

гани юзага келтириши билан тавсифланади. Оқибатда улғайиб келадиган ёшларнинг маънавий олами таназзулга юз тутиб, ахлоқий кадритларни ҳис этиши сусайиб боради. Ҳозирги вақтда кучга асосланган экстремизм ва терроризм барқарор ривожланиш ва дунёдаги миллатлараро тотувликка муайян таҳдидларни юзага келтирмоқда. Бу эса уларни бартаф эйтиш йўллариини излаш учун биргаликда ҳаракат қилишни тақозо этади. Ушбу мақсадларда сўнгги йилларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон экстремизм ва радикализмга қарши курашни глобал хавфсизлики таъминлашнинг муҳим шарти деб ҳисоблайди ва ушбу жараённинг доимий иштирокчиси ҳамда ташаббускоридир. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев юксак минбарлардан туриб, халқаро терроризм ва экстремизмнинг асосида, бошқа омиллар билан бир қаторда, билимсизлик ва тоқатсизлик ётишини, шу боис энг муҳим вазифа ёшларнинг онгини ва тарбиясини маърифат асосида шакллантириш эканлигини кўп бора таъкидлади.

Хусусан, 2017 йил сентябрь ойида давлатимиз раҳбари БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ёшлар ўз имкониятларини амалга оширишлари учун шарт-шароитни таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тақдирини билдирди.

Маълумки, экстремизм ва терроризм таъсирига тушадиган шахслар ҳам ўз қарашларига эга. Шу боис миллий дастурлар ва минтақалар кесимидаги стратегиялар ишлаб чиқиш орқали ана шу иллатга қарши биргаликда курашиш зарур. Ҳозирги вақт-

да ўн бешдан ортиқ мамлакатлар ўз миллий ҳаракат дастурларини ишлаб чиқди. Келгусида бу йўналишдаги иш изчил давом эттирилади.

Кучга асосланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги мақбул чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқматлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ёшларда экстремистик фаолият мафкурасига қарши самарали иммунитет яратиш орқалигина ижобий натижага эришиш мумкин. Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказий Осиё ва қўшни мамлакатлар ҳуқуқматлари билан ёшлар ташкилотлари ўртасида йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик бу соҳада амалга ошириладиган ҳаракатларнинг асосини ташкил этади.

Сўнгги пайтларда кучайиб бораётган терроризм хавфига қарши курашиш бутун дунё жамоатчилиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ва айниқса, жамоат тартибининг кафолати сифатида ички ишлар органларининг пухта режалаштирилган ва мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлари мажмуғга асосланиши лозим.

Инсоният терроризм ва экстремизмга қарши курашиши учун бирлашиши давр тақозосидир. Қонунчилик нуқтаи назаридан қараганда, терроризм – энг оғир жиноят. Террорчилик ҳаракатини содир этаётган шахс нимани ҳис қилади ва атрофдаги одамларга нима беради? Кўрқув ва нафрат, шафқатсизлик ва таҳқирлаш, азоб-уқубат, вайронгарчилик ва ўлим. Ҳўш, бунга нимани қарши қўйиш мумкин? Меҳр-шафқат, эзгулик, ёрдам ва ҳамдардлик, ўзини ва бошқаларни хурмат қилиш, яратувчанлик ва ҳаёт!

Бахтиёр ЗОКИРОВ,
ИИВ Академияси кафедра бошлиғи,
полковник,
Олимжон МАТЧОНОВ,
ИИВ Академияси
профессори вазифини
бажарувчи, подполковник.



МУШТАРИЙ ФИКРИ



Фахриддин ТУРСУНОВ,
ИИВ Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш
бош бошқармаси ахборот-
таҳлил бўлими бошлиғи,
полковник:

– Янги йилдан бошлаб «Postda-Na postu» газеталарининг ўзбек ва рус тилларида биргаликда чоп этилаётганини қувончли воқеа дейиш мумкин. Санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларнинг таниқли намояндalарини билан суҳбатлар ҳам ходимлар маънавиятини янада оширишда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, болалар учун махсус саҳифаларнинг бериб бориладигани ҳам ички ишлар органлари ходимларининг оила аъзоларига манзур бўляпти. Саҳифаларда турли жумбоқли саволлар, бошқотирма ва кроссвордлар ҳам бериб борилса, нур устига аъло нур бўларди.



Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази масъул
ходими:

– Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Postda-Na postu» газеталари шу йилдан бошлаб ўзбек ва рус тилида биргаликда чиқаётгани ҳар икки тилдаги мақолаларни мукамал ўқишимизга имкон яратмоқда. Бундан ташқари, унинг саҳифаларида нафақат ички ишлар органлари фаолияти, балки жамият ҳаётидаги энг муҳим воқеа-ҳодисалар мунтазам ёритилляпти. Бу эса мамлакатимиздаги англиклардан ўз вақтида хабардор бўлиб боришимизга ёрдам берляпти.

Оиламиз билан доимий равишда ўқиб, кузатиб бораётган сеvimли газетаимизнинг янги-янги руҳи ва мақолалар билан кўплаб муҳлислар қалбидан жой олишига тилақдошимиз.

Сўнги йилларда хотин-қизлар томонидан бир-бириндан мудҳиш жиноятлар содир этилаётир. Она ўзи дунёга келтирган чақалоғини тақдир ҳукмига ташлаб кетмоқда. Аёл ўз миллатдошини сотиб, фоҳишалikka маҳкум қилаётир, ўғрилиқ, босқинчилик, қотилликка қўл уряпти. Булар ҳақида эшитганимизда юрагимиз титраятти-ю, ачинишдан ўзгасига ярамаяпмиз, нафратимиз келяпти-ю, ажабланмаяпмиз.



АЁЛ ФОЖИАСИ: КИМ АЙБДОР?

Майда гапнинг озори минг

Эркак турмуш ўртоғидан чой дамлаб беришини сўради. Аёл бунга жавобан нималарнидир мингирлаб эрининг газабини оширди. Жаҳл чиққан оила бошлиғи хотинини ҳақорат қилиб, чойни ўзи дамламоқчи бўлди. Ошхонага йўл олган эркак бўлса йўлида турган аёлни итариб юборди. Бунга жавобан рафиқа ошхона пичоғини олиб, турмуш ўртоғининг қорнига тикди.

Эркак азобдан додлай бошлади, сири ошкор бўлишидан чўчиган аёл турмуш ўртоғининг уйдан чиқишига йўл қўймади. Шу пайт хонага эркакнинг қариндошларидан бири кириб қолди. Аёлга бас келолмаслигини тушунган қариндош келишув таклиф қилади: эркакни ҳозир шифохонага олиб боришади, у бўлса пичоқланганлигини айтмайди. Аёл рози бўлди.

Касалхонага қорнидан жароҳатланган, 1984 йилда туғилган, Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида яшовчи эркак келтирилди. Ундан нима бўлганини сўрашганида, қозикка йиқилганини айтди. Шифокорлар бу гапга ишонинмади, чунки ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати ясси ва ўткир тигли жисм билан етказилган кундек равшан эди. Ҳолат бўйича ички ишлар органига хабар қилинди. Ёлгон гапирининг фойдаси йўқлигини тушунган жабрланувчи ходимларга бўлган воқеани сўзлаб берди.

Судда ҳам эркак бор гапни айтди. Хотини, яъни айбланувчи эрининг барча гаплари тўғрилигини тасдиқлади. Жиноятчининг аёллиги, уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги инobatга олиниб, 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Жарроҳлик операциясидан сўнг эркак ажрашиш тўғрисида ариза топширди. Унинг қариндош-уруғлари ҳам уларнинг бирга яшашларига қарши

эди. Эрининг турмуш ўртоғини оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳамда айбдорга оғирроқ жазо тайинлаш юзасидан апелляция тартибда қилган муурожаати қондирилмади.

Тубанлик остонаси

Сирасини айтганда, аёллар жамиятдан алоҳида ҳолда эврилаётгани йўқ. Инсоният ўзгаришлар гирдобига тушиб қолган. Тараққиёт деймизми, қарашларнинг ўзгаришими ёхуд Фарб маданиятининг таъсирими, кўпчиликнинг бошқача яшагиси, ўзгалардан устунроқ бўлгиси келадики даврда яшаймиз.

Бу мақсадда барча имкониятлар, усуллар ишга солиняпти. Аммо, энг ачинарлиси, айрим оилаларда азалий кадрятларимиз йўқолаётгани, «қонунга зид», «жавобгарлик» деган тушунчаларининг шакллантирилмаганлиги одамларни, хусусан, аёлларни тубанлик ва жиноят кўчасига етакламоқда, назаримизда. Бу фикрлар билан ҳамма хотин-қизларни айблаш ниятидан йироқмиз. Гап жиноят кўчасига кириб қолганлар ҳақида боряпти, холос.

— Иш фаолиятим давомиди дуч келган жиноятчи аёлларнинг 99 фоизи эътиборсизлик қурбони бўлишган, — дейди **Жиззах давлат педагогика институтини психологи Сарвар Номозов**. — Баъзи оилаларда қизга меҳр, тарбия етишмаган. Ота-она жуда банд бўлганидан ёки бепарволикдан болани ўз ихтиёрига ташлаб қўйган.

Моддий, маънавий ёки табиий эҳтиёжларининг қондирилмаслиги аёлни қалтис йўлларга бошлаши мумкин. Эр томонидан ана шу уч талабнинг бажарилмаслиги оқибатида эркакнинг ўрни йўқола бошлайди. Кейинги босқичда келишмовчиликлар, ўзаро ишончсизлик, ҳурматсизлик муҳити юзага келади. Аёлни эркакнинг муштум зўрлиги, хиёнат ҳам издан чиқариши мумкин. Яъни, уйдан топа олмаган ширин сўзни, меҳрни кўчадан қидиришга тушади, ўч олмоқчи бўлади. Тўғри, узоқни ўйлайдиган, таҳлил қиладиган, ёшлиқда тўғри тарбия берилган аёл ҳар қандай ҳолда бундай ишлардан тийилади.

Аёлларни беҳаёлик ва жиноятга оммавий ахборот воситалари, хусусан, ижтимоий тармоқлар ҳам ун-

даяпти, деб ўйлайман. Улар орқали сингдирилаётган жуда катта миқдордаги тўхтовсиз салбий маълумотлар шундай қилиш мумкин, деган хулосани уйғотаётир. Аёллар томонидан содир этилаётган оғир жиноятлар, ўз жонига қасд қилишлар, оилавий ажримлар жамиятда қаттиқ хавотир уйғотиши керак. Бу борадаги нажот тарбиядир: нима эксак, шуну ўраимиз. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«Шукурни унутдик...»

— Ўтган йил давомида вилоятимизда хотин-қизлар томонидан 188 та жиноят содир этилган, — дейди **Жиззах вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлигининг ўринбосари, майор Сайёра Холмирзаева**. — Шундан учтаси оғир тан жароҳати етказиш, 7 таси гийҳвандлик воситалари билан боғлиқ, 6 таси товламачилик, 7 таси одам савдоси, 6 таси қўшмачилик ва фоҳишахона сақлашга оид, 20 таси фирибгарлик, 28 таси ўғрилиқ, 39 таси иқтисодий жиноятлардир. Бугун баъзи аёллар ҳар қандай жиноятни содир этишдан тап тортмаяпти. Эътиборлиси, одам савдоси билан шуғулланганлар ёки давлат мулкни талон-торож қилган аёлларнинг аксарияти ўзига тўқ инсонлардир, уларга янада бойиш истаги панд бераётир. Фоҳишалик кўчасига кириб қолган

фоҳишаликни кун кечириб воситасига айлантирган. Қийналгач, ўзига турар жой сотиб олиш учун ота-онанинг уйдан 7 минг АҚШ долларини ўғирлаган. Бу ҳолатда ким айбдор? Боласига тарбия, меҳр бера олмаган ота-онами ёки меҳрни кўчадан қидирган қизми?

Айтганча, жиноят содир этаётганларнинг 85 фоизи оиласи йўқ аёллардир. Биз ана шундай оилаларда улғаяётган болаларга эътибор қаратмасак, келажақда муаммолар янада ортади. Шу маънода вилоятимизда профилактик тадбирлар кучайтириляпти. Биргина мисол, бошқармамиз томонидан энг чекка ҳудудларда яшовчи алоҳида эътиборга муҳтож оилаларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишга ихтисослашган сайёр автобус фаолияти йўлга қўйилди. Бу ҳамма муаммолар ҳал этилди, дегани эмас, бутун жамoатчилик масалга диққат қаратсагина натижа ижобий бўлади.

— Динимизда эркак ва аёлнинг оиладаги бурч ва вазифалари белгилаб қўйилган, — дейди **Жиззах вилояти бош имом-хатиби Меҳмонхон Жабборов**. — Ана шу меъёрлар сўнги пайтларда унутилаётгандек. Эр рўзгорнинг юкини елкасига олишдан бўйин товлагач, аёл кўчага, хорижга чиқиб кетаяпти. Яъни, инсонни хараб қилдиган ориятсизлик, қаноатсизлик ва мол-парастлик кучайган, шукурни унутдик. Одамлар тобора ўз қобилигига ўралиб бораётир. Қариндошлик ришталари ҳам заифлашмоқда, кўпчилик учун бировнинг дарди дард бўлмай қолди. Оғир аҳволга тушиб қолган одамни кўрсак-да, юз бураимиз, ўзганин тубанликка қулаётганини кузатиб тураверамиз. Мана шулар ҳаммаси жиноятлар, хусусан, аёллар жиноятчилигининг сабабларидир. Мазкур



балоудан бизни миллий кадрятларимиз, муқаддас динимиз сақлаб қолишига аминдан. Биз аёлларни, биринчи навбатда, она, опа-сингил, жуфти ҳалол сифатида кадрлаймиз. Уларнинг ҳаммаша бу қадрга лойиқ бўлишига ишонгимиз келади. Гувоҳи бўлганингиздек, турли соҳа мутахассислари муаммонинг ечимини турлича кўради. Қарашлар уйғунлашган нуқталар ҳам йўқ эмас. Хулоса шуки, қизларимиз тарбиясига бафарақ қарамайлик, оналаримиз, опа-сингилларимиз, рафиқаларимизни эъзoзлайлик. Биз уларнинг ҳаммаша меҳр, номус ва садоқат тимсоли бўлиб қолишини истаймиз.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.
Жиззах вилояти.



ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

Профилактические мероприятия
дают положительный результат

По всей республике принимаются конкретные меры по предотвращению преступлений и правонарушений. Особое внимание уделяется профилактике и раннему предупреждению фактов нарушения закона молодежью и несовершеннолетними, усилению родительского контроля, вовлечению юношей и девушек в образование.

Недавно военнотрудовые подразделения Национальной гвардии совместно с сотрудниками районных ОВД и отдела народного образования провели профилактическое мероприятие на территории

Тайлакского дехканского рынка, расположенного в Тайлакском районе Самаркандской области. В ходе данного мероприятия выявлены учащиеся, не только прогуливающие школу, но и торгующие во вре-

мя уроков на рынке. Об этом были уведомлены директора школ. В результате прогульщики сели за парты, была обеспечена посещаемость, повысилась уровень освоения школьниками знаний.

ТРУД НЕ ОСТАЕТСЯ
БЕЗ НАГРАДЫ

Приказом министра физической культуры и спорта за заслуги в развитии спортивной славы страны и подготовку к летним Олимпийским играм 2020 года в Токио директор Специализированной школы Олимпийского резерва по спортивной борьбе Национальной гвардии Республики Узбекистан Ойдин Туробович Рахимов награжден нагрудным знаком «Отличник физической культуры и спорта».

Н. ЗАФАРОВА.

Объявление

НАЧИНАЕТСЯ ПРИЕМ ДОКУМЕНТОВ
В ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Сроки сдачи заявлений:

Заявления (рапорта) кандидатов принимаются с 1 февраля по 1 апреля текущего года.

Куда обратиться

Граждане, изъявившие желание подать документы для поступления, обращаются с заявлением по месту жительства в отдел по делам обороны, а кандидаты из числа военнотрудовых – с рапортом по месту службы.

Какие документы должны быть
предоставлены?

При сдаче документов кандидат лично предоставляет паспорт, свидетельство о рождении, удостоверение о регистрации призванного на участке призыва (ОДО) или военный билет.

1. Перечень необходимых документов, предоставляемых гражданской молодежью в отдел по делам обороны:

- заявление (рапорт);
- копия паспорта (военного билета);
- копия свидетельства о рождении;
- военный билет или удостоверение о регистрации призванного на призывном участке (ОДО);
- автобиография кандидата, написанная собственноручно и в электронном виде;
- анкета;
- характеристика и справка с места учебы, работы или службы (если кандидат обучается, работает или проходит службу);
- справка с места работы родителей (если работают);
- письмо согласия родителей на поступление в Институт;
- документы (оригинал и копия) об образовании (общее среднее, академические лицеи и среднее специальное профессиональное образование) и копия рейтинговой книжки (табель оценок);
- документы (оригинал и копия), подтверждающие право пользования льготами при поступлении в Институт;
- 6 фотографий размером 3x4 см (без головного убора и уголков) и 4 фотографии размером 4,5x6 см (без головного убора);
- справка из территориальных органов внутренних дел о несудимости и непривлечении к уголовной ответственности (военнотрудовым не требуется предоставление данной справки).

В целях уточнения некоторых документов возможны дополнительные требования предоставления кандидатом необходимых документов или запросы из соответствующих организаций.

2. Кандидаты из числа военнотрудовых в дополнение к вышеуказанным предоставляют следующие документы:

- документы, рекомендуемые поступление в Институт (для военнотрудовых срочной военной службы – выписка из протокола общего заседания воинского подразделения, для военнотрудовых по контракту – выписка из протокола заседания аттестационной комиссии воинской части);
- справка о наличии допуска (разрешения) соответствующей формы на пользование государственными секретами (только для тех, кто имеет соответствующий допуск (разрешение);
- ходатайство, выданное командирами (начальниками) воинских частей (учреждений) и подразделений.

Порядок организации и проведения
мероприятий предварительного отбора

Мероприятия предварительного отбора проводятся в два этапа.

Первый этап проводится с 1 февраля по 31 марта: для гражданской молодежи – в отделах по делам обороны по месту жительства; для учащихся военно-академических лицеев «Темурбеклар мактаби» и Республиканского специализированного академического лицея музыки Национальной гвардии Республики Узбекистан – в отделах по делам обороны, по месту расположения образовательного учреждения; для военнотрудовых и сотрудников – по месту службы в воинских частях (учреждениях).

Во второй этап входят следующие мероприятия:

- сбор и изучение документов;
 - индивидуальное собеседование;
 - предварительное медицинское освидетельствование.
- Второй этап для гражданской молодежи и военнотрудовых проводится с 1 апреля по 31 мая в управлениях по делам обороны. На этом этапе будут организованы и проведены следующие мероприятия:
- индивидуально-психологическое изучение;
 - оценка общефизической подготовленности;
 - повторное медицинское освидетельствование.

Количество кандидатов для участия в мероприятиях предварительного отбора не ограничено.

Оформленные личные дела кандидатов, успешно прошедших мероприятия предварительного отбора, будут направляться в Институт до 10 июня.

Порядок проведения мероприятий военно-
профессионального отбора кандидатов

Приемной комиссией ежегодно разрабатывается график сроков проведения мероприятий военно-профессионального отбора, утверждаемый председателем приемной комиссии, и до 1 июня направляется в управления по делам обороны.

Управления по делам обороны и воинские части (учреждения) доводят до кандидатов сроки проведения мероприятий военно-профессионального отбора в соответствии с графиком и обеспечивают их прибытие в Институт в установленные сроки.

Мероприятия военно-профессионального отбора проводятся в июне в Институте.

В ходе военно-профессионального отбора организуются и проводятся следующие мероприятия:

- изучение документов;
- психофизиологическое изучение;
- медицинское освидетельствование;
- письменная работа (диктант);
- проверка уровня владения компьютерной техникой и информационно-коммуникационными технологиями;
- итоговое индивидуальное собеседование.

О процессе тестирования

Тестирование проводится Государственным центром тестирования 5 июля, результаты объявляются через 5–6 дней.



ВETERАНЫ – НАША ГОРДОСТЬ

Группа военнослужащих, долгие годы служивших в органах внутренних дел и вышедших на пенсию, награждена памятным знаком «O‘zbekiston «VETERAN» jangchi-faxriy va nogironlari birlashmasiga 25 yil». Среди них – подполковник в отставке Аскар Давлатов

НАЗИДАНИЯ НАСТАВНИКА

– Аскар Имомович – ветеран нашей войсковой части, – говорит заместитель командира части № 7551 Караульных войск МВД Республики Узбекистан по воспитательной работе майор Элёр Гаффаров. – Вот уже 13 лет он на пенсии, однако постоянно находится с нами на связи, дает уроки жизни личному составу и солдатам, помогает в организации мероприятий. Не зря все отмечают его прекрасные организаторские способности.

Аскар ака никогда не забывает о важных датах. К примеру, он за неделю предупреждает о приближении значимых дат – дней работников печати и средств массовой информации, борьбы с наркоманией, дней рождения коллег, рассказывает о плане проведения мероприятий. По возможности, готовит подарки, а посещая именинников, всегда поднимает им настроение.

Аскар Давлатов родом из Каракульского района – родины многих именитых борцов. Он седьмой из двенадцати детей покойного Имома бобо и Сафаргул момо, которой исполнилось 84 года. Когда он попал на армейскую службу, понял, что хочет стать военным. Сначала он учился на факультете допризывной военной подготовки Бухарского государственного университета. Получив диплом и звание лейтенанта, стал работать в подразделении по делам обороны Навоийской области. Через год уже служил в должности заместителя командира второй роты первого батальона по воспитательной работе войсковой части № 7532

Караульных войск МВД в г. Навои, затем – в батальонах войсковых частей, расположенных в Касанском и Караулбазарском районах. До пенсии он служил заместителем командира войсковой части по воспитательной работе, заместителем по снабжению техникой и вооружением, а также начальником штаба отделения войсковой части в Караулбазарском районе.

Его многолетняя служба получила достойную оценку – он был награжден памятным знаком «Ichki qo‘shinlarga 5 yil», «O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 15 yil», ценными подарками и почетными грамотами Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

На пенсии ветеран не сидит без дела. Сначала в качестве активиста махалли он проделал большую работу по благоустройству территории, развитию приусадебных участков, проведению без лишней помпезности свадеб и торжеств. Потом стал инспектором Экоцентра «Джейран». До 2018 года служил в должности начальника охраны компании Enter engineering. Сейчас – преподаватель начальной допризывной подготовки районной общеобразовательной школы № 6.

Герой нашего рассказа является руководителем Караулбазарского отделения Областного объединения воинов-ветеранов «VETERAN». Регулярно посещает участников афганской войны, проживающих в районе, вспоминает вместе с ними годы службы.

В беседе Аскар ака поделился планами. На первом месте стоит

«Начали действовать образовательные учреждения совершенно нового типа – 4 Президентские и 3 Творческие школы. Наряду с этим создано 19 новых высших учебных заведений, в том числе 9 филиалов известных зарубежных университетов».

(Из Послания Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису.)



создание в районе «Музея патриотизма», на втором – подготовка брошюры, посвященной участникам афганской войны. Пусть его планы реализуются.

Наш герой – образцовый семьянин. Его супруга, Гулчехра Курбонова, – учитель. Они вместе воспитали пятерых дочерей. Уверен, все они

растут достойными людьми, потому что дети, получившие воспитание такого удивительного человека, как Аскар ака, обязаны добиться в жизни многого.

Мирзокул АХАДОВ,
корреспондент «Postda».

Фото автора.

Бухарская область.

ПРОХОЖИЕ ПОДНЯЛИ АВТОМОБИЛЬ И СПАСЛИ ПОПАВШУЮ ПОД НЕГО ЖЕНЩИНУ



В американском городе Нью-Йорке прохожие подняли автомобиль, чтобы спасти попавшую под него женщину. Об этом сообщает издание New York Post.

Один из очевидцев рассказал, что услышал звук столкновения и крики. «Когда я подошел поближе, у перекрестка собралась большая толпа, – утверждает он. – Внезапно все бросились поднимать машину. Все произошло так быстро».



Более десяти человек совместными усилиями смогли приподнять автомобиль и вытащили из-под него пострадавшую.

О состоянии спасенной женщины не сообщается, однако к тому времени, когда на место происшествия прибыли пожарные и полицейские, она была в сознании и пользовалась телефоном.

В ТУРЦИИ ИЗ-ПОД ЗАВАЛОВ СПАСЛИ МАТЬ С ДВУХЛЕТНИМ РЕБЕНКОМ



После землетрясения в турецкой провинции Элазыг спасатели достали из-под завалов обрушившегося дома женщину с ребенком. Они провели под завалами 24 часа. Девочку двух с половиной лет достали первой. Спустя четыре часа спасатели достали ее мать. Земле-

трясение магнитудой 6,8 произошло вечером 24 января. Оно затронуло провинции Малатья и Элазыг. После землетрясения было зафиксировано 228 толчков магнитудой 4,0 и выше. По состоянию на 26 января подтверждена гибель 38 человек. В больницы обратились 1607 человек, большинство из них жаловались на нервные расстройства.



ЗА РУБЕЖОМ

«Теперь, когда мы научились летать по воздуху, как птицы, плавать под водой, как рыбы, нам не хватает только одного: научиться жить на земле, как люди».

Бернард Шоу.

ИККИ ШАМ ВОҶЕАСИ



ўчирди. Бошқа шам олиб ёққач, дўсти билан қуюқ сўрашиб суҳбатга киришди.

Халифанинг бир шамни ўчириб, иккинчисини ёқиши дўстига ғалати туюлди ва бунинг боисини сўради.

Халифа Умар шундай жавоб қилдики, дўсти унинг покдомонлигига яна бир бор тан берди.

Сиз нима деб ўйлайсиз, Халифа Умар дўстига нима деб жавоб берган?

Эркин САТТООВ тайёрлади.

Кучли тақвosi ва ниҳоятда адолат билан иш юритгани учун Ислom тарихида «Иккинчи Умар» номини олган Умар ибн Абдулазиз 35 ёшида халифалик мақомини олгач, ўз фуқароларига кўплаб эркинликлар берди, карвонсаройлар қурдирди, қудуқлар қазитди, йўллар барпо эттирди.

У ўтказган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг яшаш даражаси анча ошди. Кишилар турмуши шунчалик яхшиландики, закот оладиган одам ҳам топилмай қолди.

Давлат амалдорларининг хизмат вазифаларини суиистеъмол қилмасликлари, пора олмасликлари, давлат хазинасидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари ва тамагир бўлмасликлари учун уларнинг маошини оширди.

Умар ибн Абдулазиз адолатсиз ҳукм юритган ва давлат маблағларини талон-торож қилган давлат амалдорларини ишдан олиб ташларди. У фаол даъват ишларини олиб борар, муслмон уламоларини иззат-икром қилар ва рағбатлантирар эди.

Кунлардан бир кун Халифа Умар давлат ишлари билан машғул бўлиб турган чоғи ҳузурига кадрдон дўсти кириб келади. Бу вақтда нимқоронғи хонада биттагина шам ёниб турарди. Халифа қўлидаги ишларини бир четга сурди-да, ёниб турган шамни

Халифа Умар дўстига нима деб жавоб берган? Сиз нима деб ўйлайсиз, Халифа Умар дўстига нима деб жавоб берган? Эркин САТТООВ тайёрлади.

С
К
А
Н
В
О
Р
Д

| | | | | | | | | | |
|----------------------|---------------------------|-----------------------|------------------|---------------------|---------------------|-----------------------|-----------------|--------------------|-----------------------------|
| Чечак | Қалам ўлчаш асбоби | | | | | 1 | | Удда-лаш қобилияти | |
| | | | Инерт газ | Тухум-симон шакл | Сўнги яқун, натижа | | Ҳашарот | | |
| | Баҳор-га хос маскан | | | | | | Фойда | | |
| | Ҳомийликка олиш | | 2 | | | Балиқчи қуроли | Самолёт маркаси | Давр ҳисоби | 3 |
| | ... сув | Марко ... (сайёҳ) | Мўйна-ли ҳайвон | Итлар-ни ўр-гатувчи | 4 | | | | |
| | | | | Ёдгор-лик | | 5 | | Туя тури | |
| 6 | Чегара-дош давлат маркази | Қадимги Римга хос тил | Қизил ёқут | Бразилия футболчиси | | | | Умум, омма | |
| | | | | Неғиз, асос | | | | | Антик давр олимиди |
| | Ҳарбий унвон | Волга ирмоғи | | | Муҳаммад ... (адиб) | Авто марка Мучал йили | Қуруқ мева | Қурил-очар уйин | |
| | | | | | 8 | Қа-тьий тартиб | | Тўқ эмас | Арслон оғзидан ... олин-мас |
| | Ораси, ораси-да | Бало-ғат | Чорва маҳсу-лоти | Бангладеш ва-лютаси | | | | Урмон ҳўқизи | |
| | | | | Сунғий тола | | Самолёт мар-каси | | | Рид ... (ёзувчи) |
| Атоқли киноре-жиссёр | | | 9 | Мўйна-ли йирт-қич | Зиё | Эркак исми | Мато | 10 | Олма нави |
| | | | | Ниҳо-ятда, жуда | | | | | |
| 11 | | | | | | | | | |

КАЛИТ СЎЗ 1 2 6 3 5 10 9 7 4 11 8

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР

Ҳар доим ва ҳар жойда қалбаки пул ясаш билан шугулланувчиларни энг қаттиқ жазо кутган, бироқ бу жиноятчиларни ҳеч қачон тўхта-тиб қололмаган. Археологлар томонидан



Юнонистоннинг Эгина оролидан топилган энг қадимий сохта тангалар милоддан аввалги VI асрга тегишли: улар қумуш тангалар ўрнига, устидан қумуш билан қопланган мис тангалар ясашган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir -

polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari -

podpolkovnik Qobuljon SHOKIROV leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar -

Erkin SATTOROV Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar -

Sherzod ABDUSAMADOV Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar -

Ilhom JUMANOV Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:

71-231-38-74;

95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001 MFO 00420. ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo'limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili: Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №V-4044. Bosilish - ofset usulida. Bichimi - A3. Hajmi - 6 bosma taboq. 56 917 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 22.00. Bosishga topshirildi - 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.